*Ҳақсевар, она юрт, мангу бўл обод!*

# ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

1928 йил 11 декабрда асос солинган

Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси

2018 йил
**14 апрель**
ШАНБА
**№ 30** (13083)

www.thtp.uz

# ҒАЛЛА ПАРВАРИШИДА МУҲИМ ПАЛЛА

***буни яхши англаган вилоятимиз миришкорлари ҳар бир кундан унумли фойдаланишга астойдил ҳаракат қилмоқдалар***

*Бу йилги об-ҳавонинг келишига қараб асл деҳқонларнинг хулосаси шундай: кун сайин кўкка бўй чўзаётган ям-яшил ниҳоллар парвариши-га эътиборни айнан ҳозир кучайтириш зарур. Акс ҳолда кеч бўлади.*

## Дон сиёсати – нон сиёсати



Бугун бутун мамлакатимизда бўлгани каби вилоятимизда ҳам аграр тармоқ, хусусан, ғаллачиликни ривожлантириш, парваришига янада масъулият билан ёндошишга қаратилган кенг қамровли ишлар амалга оширилаётир. Зеро, бутун дунёда барча саъй-ҳаракатлар, энг аввало, озиқ-овқат хавфсизлиги учун бўлаётган бир пайтда дон сиёсати – нон сиёсати, деган бугуннинг ҳаққоний талабига айланди.

Маълумотларга кўра, жорий мавсум Бўка туманига тегишли экин майдонларида ғалланинг ҳудуд иқлим шароитига мос "Гром", "Элита" каби эртапишар, ҳосилдор навлари экилган.

Туман қишлоқ ва сув хўжалиги бошқармаси мутасаддиларининг айтишича, шу кунгача буғдойзорлар икки марта минерал ўғит билан озиқлантирилган. Икки марта суғориш, шунингдек, зараркунандаларга қарши курашиш ишлари бажарилган. Бўкага сафаримиз чоғида ғаллага учинчи сувни олиш бошланиб кетганига гувоҳ бўлдик. Албатта, бу ишлар бежиз амалга оширилмаяпти – негаки, сувга чанқамаган буғдой баравж ривожланади, бўлиқ бошоқлайди, муҳими, бошоғи тўқ бўлади, тўқ бошоқ эса тош босади.

...Бўкадаги "Анвар агро файз" фермер хўжалиги даласидамиз. Яшиллик, ҳудуднинг ажиб манзараси бу ерда бўлган одамнинг кайфиятини кўтаради. Биз ҳам шуни ҳис қилдик, десам, муболаға бўлмас.

Мазкур хўжаликнинг умумий ер майдони 62 гектар. Унинг ярмидан кўпига яқиндагина чигит қадалди. Йигирма тўрт гектарида эса ғалланинг "Элита" нави парваришланмоқда.

– Деҳқончилик қилиш осон эмас, – дейди ёш фермер Анвар Аслонов. – Об-ҳаво ҳеч ким билан ҳисоблашмайди. Бу йил ғаллачилик учун яхши келди, дея олмаймиз. Устига-устак еримиз қирликлардан иборат. Бундай жойда буғдой етиштиришнинг ўзи бўлмайди. Шуларга қарамасдан, юқори ҳосил олишга интилаяпмиз, чорасини топаяпмиз ҳам. Ҳақиқий деҳқон, қолаверса, давлат томонидан қўллаб-қувватланаётган миришкор ҳар қандай шароитда яхши натижага эриша олиши керак, деб ўйлайман.

Айтиш жоиз, хўжалик ерининг бир қисмида парваришланаётган ғалланинг аҳволи ёмон эмас. Суғориш, суспензиялаш, озиқлантириш ва бошқа агротехник тадбирларнинг вақтида, сифатли бажарилаётгани боис экин баравж ривожланмоқда.

Йигирма уч нафар ишчи-хизматчи меҳнат қилаётган хўжаликда бир нечта техника мавжуд. Жамоанинг МТЗ-80, ТТЗ-80, КТ-28 тракторларига эгалиги ҳар жиҳатдан қўл келмоқда – ишларни тез ва сифатли бажариш имконини бераётир.

Дарвоқе, "Анвар агро файз"га қарашли ер майдонининг 5 гектари лалмикор. Фермер ушбу майдоннинг катта қисмига олма ва бошқа мевали дарахтлар эккан, боғга айлантирган.

**Холмурод САЛИМОВ,**
**"Тошкент ҳақиқати" мухбири**
*Д. АҲМЕДОВ олган сурат*

## Пиллачилик

*Бир неча йил аввал синтетик маҳсулотлар анча кўпайди. Натижада, ипак толасига бўлган эҳтиёж нисбатан пасайди. Бугун вазият бир оз бошқача – сунъийликдан табиийликка интилиш кучайган. Бу эса пилла хом ашёсига талабнинг ошишига таъсир кўрсатмоқда, дейиш мумкин.*

# «КУМУШ ТОЛА» МАВСУМИГА ТАРАДДУД



Президентимизнинг пиллачиликни ривожлантиришга оид қарори ижроси доирасида вилоятимиз туманларида агропилла корхоналари ташкил этилди.

– Жорий йил вилоятимизда 1 минг 150 тонна "кумуш тола" етиштириш режалаштирилган, – дейди "Тошкент вилоят агропилла" масъулияти чекланган жамияти раҳбари Аҳмаджон Кенжаев. – Унга кўра, 21 минг 100 қути ипак қурти парвариш қилиш белгиланди.

Маълумотларга кўра, ҳозирги кунда уруғлар туманларга шартнома асосида тарқатилмоқда. Уларни инкубаторияларда жонлантириш ишлари жадаллик билан олиб борилаётир. Бўка, Чиноз, Оҳангарон, Оққўрғон туманлари пиллакорларининг бу борадаги ҳаракати чакки эмас. Аммо Бекобод, Қуйи Чирчиқ ва Бўстонлиқда иш сустроқ.

Айтиш жоиз, пиллакорларни рағбатлантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Хусусан, бир қути ипак қурти уруғини олган фуқароларга олдиндан икки юз минг сўм бўнак берилади.

Пиллакорлар меҳнатини рағбатлантиришга қаратилган қатор имтиёз ва преференциялар ҳам "кумуш тола" етиштирувчиларга катта имконият яратаётгани билан аҳамиятлидир.

**Зуҳриддин РАҲМОНОВ,**
**"Тошкент ҳақиқати" мухбири**

## Жаҳолатга қарши – маърифат

*Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашиш борасидаги ҳамкорликни янада жонлантириш ҳақида кўп гапирилмоқда. Бу бежиз эмас, албатта. Чунки шу юртда яшар эканмиз, унинг гуллаб-яшнашидан қанчалик қувонсак, нохуш ҳолатларга ҳам бефарқ бўлмаслигимиз шарт. "Менинг маҳалламда жиноят бўлмаслиги керак" шиорини ҳар бир фуқаронинг онгига сингдирмоғимиз лозим.*

# «МЕНИНГ МАҲАЛЛАМДА ЖИНОЯТ БЎЛМАСЛИГИ КЕРАК»

Юқори Чирчиқдаги "Уч чинор" маҳалласида бўлиб ўтган тадбирда туман ИИБ бошлиғи М. Аҳмеджонов жиноятчиликнинг олдини олиш борасида олиб борилган ва қилиниши лозим бўлган ишлар ҳақида гапириб, сўзини шундай якунлади:

– Айбдорни жазолаш осон, аммо жиноятчиликнинг олдини олиш қийин. Шунинг учун бир жамоа бўлиб ишламасак, кўзланган натижага эришиб бўлмайди. Қўлни-қўлга берайлик, токи бирорта маҳалламизда жиноятчи қолмасин!

– Маҳаллада жиноят бўлса, ерга қараб ўтиришга мажбурмиз, – дейди "Уч чинор" маҳалла фуқаролар йиғини раиси А. Ўтагенов. – Маҳалламизда яшовчи Темур Тоғаймуродовнинг 4 миллион 500 минг сўм турадиган хўкизи 10 апрелдан 11 апрелга ўтар кечаси ўғирланган. Суриштирув натижасида ўғрининг шахси аниқланди. Ўғри ҳам бегона эмас экан – маҳалладошимиз!

Йиғинда айтилган фикр-мулоҳазалар атрофлича муҳокама қилиниб, ҳамжиҳатликда қатор ишларни бажариш режалаштирилди.

Қибрай тумани, "Ўнқўрғон" маҳалласида бўлган жиноятчилик муҳокамасида ҳам билиб-билмай шу кўчага кириб қолган ёшлар ҳақида кенгроқ тўхталинди.

– Ёшлик қилиб жиноят содир этдими, бунинг сабабчиси биз – катталармиз! – деди туман ҳокими ўринбосари Д. Зокиров. – Демак, оилада, маҳаллада, мактабда таълим-тарбия беролмаганмиз! Буни тан олишга мажбурмиз. Мисол билан айтсам, номаълум шахс 2018 йил 2 апрель куни Юнусобод туманидаги "Адвокатлар бюроси" биносидан 1 минг 750 АҚШ доллари, 12 миллион сўм пул ва баҳоси 200 АҚШ доллари бўлган "Айфон" русумли планшетни ўғирлаб, воқеа жойидан ғойиб бўлган. Текширишлар натижасида "номаълум" шахс маҳаллангизда яшовчи М. С. бўлиб чиқди. Суриштирсак, М. С. оилада ота-онасининг гапини назар-писанд қилмай қўйган. Мактабга бир кун борса, бир ҳафта бормаган. Маҳаллада бирор марта унинг хатти-ҳаракати муҳокама қилинмаган...

– Гапингизга қўшиламан, – деди маҳалла раиси И. Икромов. – Эслайсизми, болалигимизда чойхона олдидан ўтиб қолсак, ўтирган чоллар: "Ҳов, менга қара, кимнинг ўғлисан, танимайроқ турибман?" деб сўрашарди. "Фалончини", десангиз, "Бўлди, бўлди, энди танидим!" дерди. Маҳалладаги ҳар бир бола ёши катталарнинг кузатувида эди. Битта бегона одам қишлоқ оралаб ўтиб қолса: "Мана шу мўйловли болани танимадим-да! Орқасидан бор-чи, кимникига, нима иш билан келди, билчи!" деб бирорта ўспиринни ортидан жўнатарди. "Мени маҳалланинг олдида шарманда қилдинг?" "Маҳаллада қандай бош кўтариб юраман!" "Маҳалла нима дейди?" деган гаплар бот-бот қулоғимизга чалиниб турарди.

Оталаримиз маҳалла учун, унинг обрўси учун курашишарди! Энди-чи? "Менга нима!" деймиз. Ёшларимиздан бир гап сўраб бўлмайди. "Сени нима ишинг бор!?" дейди. Ҳаммасига айбдор – ўзимиз! Бир ёқадан бош чиқариб, ҳамкорликда ишлайлик. Шу маҳалла киндик қонимиз тўкилган жой бўлгач, маҳаллада боланинг ҳам бегонаси бўлмаслиги керак.

**Давоми 2-бетда**

# БОҚИЙ ҚАДРИЯТЛАР ТАРАННУМИ

*Оҳангарон воҳасида яна бир катта шодиёна. "Шовғоз" маҳалласида ўтказилган "Илоқ" этнографик фестивали туманнинг қадимийлиги, бой тарихий мероси, ўз урф-одатлари, қадриятлари, маданиятига эга эканлигини яна бир карра намоён этди.*

## Фестиваль

Карнай-сурнай садолари билан бошланган ушбу фестиваль вилоят бадиий жамоа ва дорбозларининг ажойиб чиқишлари ҳамда ҳунармандлар кўргазмаларининг намойиши билан ўзгача шукуҳда ўтди.

Тадбирда вилоят ҳокимининг туризм масалалари бўйича ўринбосари С. Низамов, "Олтин мерос" хайрия жамоат фонди республика бошқаруви раиси А. Каримов, йигирмадан ортиқ турли ташкилот ҳамда чет эл дипломатик корпус вакиллари иштирок этди.

Дарвоқе, учинчи бор ўтказилаётган "Илоқ" фестивали Оҳангарон воҳасининг энг сўлим қишлоқларидан бири Шовғозда ташкил этилгани бежиз эмас. Қадимий Илоқнинг маркази Тункат шаҳри атрофидаги Телов, Сусам, Шовғоз каби қишлоқларда асрлар садоси, Буюк Ипак йўлидаги карвонлар саси янграб тургандек гўё.

Фестивалда қатнашган "Дугоҳ", "Паркент гуллари", "Шош наволари", "Қурама оҳанглари", "Тўрғай" фольклор-этнографик жамоалари, ашула ва рақс ансамблларининг шўхчан куй-қўшиқ ва рақслари барчага кўтаринки кайфият бахш этди. Моҳир усталар яратган бетакрор каштачилик, тўқувчилик, тикувчилик, қуроқчилик маҳсулотларида ўтмишию келажаги буюк халқимизнинг беқиёс яратувчанлик салоҳияти намоён бўлди.

– Ҳар йили фестивалда иштирок этар эканман, қадимий Илоқдаги меҳнатсевар, чевар, тадбиркор аждодларимиз нафасини ҳис этгандек бўламан, – дейди шовғозлик ҳунарманд, қуроқ устаси Қизларгул Турматова. – Қирқ йилдан буён қуроқчилик билан шуғулланаман. Ҳунаримни невараларимга, маҳалламиздаги қизларга ўргатиб келаяпман. Бу уларда аждодлар меросига ҳурмат туйғусини шакллантиришига ишонаман.

– Оҳангарон воҳасида фольклор анъаналарини авлоддан-авлодга сақлаб келаётган фидойи инсонлар кўп, – дейди "Янгиобод" маҳалласи фаоли, фольклор ансамбли раҳбари Улуғой Омонова. – Бугунги фестиваль қадимий анъана, урф-одатларимиз, миллий куй-қўшиқ, рақс, ўлан ва лапарларимизни бор овозда куйлаб, намойиш этишга имкон яратди. Бундай тадбирлар фақат эзгуликка хизмат қилади.

**Беҳзод ҚОБУЛОВ,**
**"Тошкент ҳақиқати" мухбири**
*Н. ИСМОИЛОВ олган суратлар*





## Томорқа – қўшимча даромад манбаи

*Бугун вилоятимиз ҳудудларида томорқадан унумли фойдаланиш, қўшимча даромад олишга бўлган интилиш ва ҳаракат янада фаоллашгани кўзга ташланади. Буни Бекобод туманидаги "Қўрғон" маҳалласи мисолида ҳам кўриш мумкин.*

# БИРИДА ЯХШИ, БИРИДА АКСИ

– Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг 2017 йил 9 октябрдаги "Фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгаларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, қишлоқ хўжалиги экин майдонларидан самарали фойдаланиш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармони ҳар биримизни ушбу йўналишда янада жадал ишлашга чорламоқда, – дейди "Қўрғон" МФЙ раиси Ҳаким Ғозиев. – Маҳалла фаоллари билан уйма-уй юриб, томорқадан самарали фойдаланиш ҳар жиҳатдан фойдали эканини тушунтирмоқдамиз.

Дарҳақиқат, мазкур маҳалла ҳудудини айланар эканмиз, ҳудуддаги аксарият хонадонлар ердан унумли ва оқилона фойдаланаётганликларига гувоҳ бўлдик.

Абдуаҳад Маҳмудов – ишнинг кўзини биладиган оила соҳибларидан бири. У ўтган йили тижорат банкининг Бекобод филиалидан 7 миллион сўм имтиёзли кредит олиб, уч сотих жойда иссиқхона барпо этди. Унга бақлажон ва картошка экди. Айни дамда унинг иссиқхонасига экилган 1 минг 200 туп бақлажон гулга кирган, ҳадемай тугади.

– Биргина бақлажондан 50 миллион сўм даромад олишни мўлжаллаб турибмиз, – дейди Абдуаҳад ака. – Олинган даромад эвазига эса уй-жойимизни таъмирлаб, ўғлимизни уйлантирамиз.

Шу маҳаллада яшовчи Маҳмудали Абдураззоқов бундан ўн йил муқаддам икки сотих ерда иссиқхона барпо этиб, ўн туп лимон эккан экан. Кейинги йилларда улардан олинадиган ҳосил кўпайди. Ўтган йили ҳар туп лимондан 70 килограммдан мева олишибди. Албатта, даромад ҳам шунга яраша бўлган.

– Банкдан 7 миллион 400 минг сўм имтиёзли кредит олган эдик, – дейди уй бекаси Санобар Зайниддинова. – Ҳозир шу пулга иссиқхонамизни яна уч сотихга кенгайтираяпмиз. Мақсадимиз – ундан самарали фойдаланиб, даромадни, бозорга олиб чиқилаётган маҳсулотимиз ҳажмини янада ошириш.



Ҳа, А. Маҳмудов, М. Абдураззоқов сингари маҳалла аҳлининг шашти баланд. Зеро, улар томорқа – оиласининг даромад манбаи, фаровонлик гарови эканлигини аллақачон тушуниб етган.

Бу каби омилкор замондошларимиз шижоатидан қанчалар завқлансак, ҳовлисини ўз ҳолига ташлаб қўйган айрим хонадон эгаларининг ҳафсаласизлиги дилни хира қилади. Ачинарлиси, томорқасини абгор қилиб, ернинг умрини бекор ўтказаётганлар орасида эл-юрт ичида бировга гап бермай, тузуккина давлат ва жамоат вазифаларида ишлаётганларнинг учраб турганидир.

Ана шундай беҳафсала, ёнидаги хазинани кўра билмайдиганларга Юртбошимизнинг эл-юртимиз равнақи, фаровонлиги ғамида айтган: "Чўп суқсанг кўкарадиган еримиз, меҳнатсевар халқимиз бор. Лекин томорқа ерлардан – шундай катта резервдан фойдаланмаяпмиз!" деган ҳаққоний гапларини яна бир карра эслатиб ўтишни жоиз биламиз.

Кечикманг, замондош, баҳорнинг бир куни йилни боқади!

**Ашурали БОЙМУРОДОВ**

# Сайёра ҲОЖИЕВА:
# ҲАЁТ – ҲАРАКАТ, ДЕМАКДИР

*Қўшни мамлакатларнинг бирида бўлиб ўтган анжуманда айтилган самимий эътироф ҳамон қулоғимиз остида акс-садо бериб туради:*

*– Биз қардош ўзбек халқидан ўрнак олишимиз керак. Улар ердан самарали фойдаланишга ҳаракат қилишади. Яшнаб турган боғ-роғлари, гулзору чаманзорларини кўриб, баҳридилинг яйрайди...*

Ибрат



Дарҳақиқат, узоққа бормайлик, вилоятимиз шаҳар ва туманларида, маҳалла ва кўчаларида юрганда чор-атрофга бир назар солинг, завқингиз тошиб, бир энтикиб, қўли гул, меҳнатсевар халқимизга тасаннолар айтасиз. Тўғри, беш қўл баробар эмас. Қаровсиз ётган томорқаларга ҳам кўзингиз тушади. Лекин, аксарият хонадонлардаги ободлик, яшилликдан кўнглингиз ёришади.

...Пискентлик тадбиркор, "Ҳожиев Довудбек" фермер хўжалиги раҳбари Сайёра Ҳожиева хонадонидамиз.

– Аёлларнинг жони қирқта бўлади, деганлари бор гап, – дейди Сайёра фермернинг умр йўлдоши. – Қуш тинади, аммо, сен тинмайсан, деб қўяман. Шундай деганим сайин унинг ғайрати янада жўшиб кетади, гўё... Хўжаликнинг ишлари ўз йўлигаю, томорқамиздаги гуллаётган дарахтлар, мева-сабзавотларнинг яшнаб туришида унинг ҳиссаси алоҳида. Ўғил-қизларни ишга соладиган ҳам Сайёра.

– Хўжалигимизни 2005 йил ташкил этганмиз, – дейди С. Ҳожиева. – 75 гектар еримизнинг бир қисмига ғалла, катта ҳудудига пахта экамиз. Бундан ташқари, 4 сотих ерда иссиқхона, 2 гектар боғимиз бор. Иссиқхонамизда етиштирилаётган турли кўчатларнинг бозори чаққон.

Сайёра фермер 25 кишини иш билан таъминлаган. Хўжаликда ер ҳайдаш, текислаш, чигит экиш, экинларга ишлов бериш, дори сепиш учун трактор, шунингдек, культиватор, сеялка каби техникалар етарли.

Ишчиларга муносиб иш шароити яратиш самарадорликнинг муҳим омили эканини яхши биладиган раҳбарнинг омади доимо "ёнида" юради, дейишади. Сайёра Ҳожиева бу борада аллақачон оғизга тушган. Ҳозирги кунда қурилиши якунланаётган хўжаликнинг янги шийпонида ишчилар учун барча шароит муҳайё – жумладан, маданий ҳордиқ чиқариш, газета ва журналлар, қизиқарли китобларни мутолаа қилиш учун шинам жой мавжуд.

"Ҳожиев Довудбек" – кўп тармоқли хўжалик. Фермер фаолиятини янада кенгайтиришга интилмоқда. Яқинда тикувчилик цехи очишни режалаштирган. Хусусий боғча қуришни бошлаб юборди. У ташкил этаётган чорва фермаси, балиқчилик ҳавзаси янги мактабгача таълим муассасасининг сут ва гўшт маҳсулотларига бўлган эҳтиёжини қондиради.

– Бола тарбиясидан кўнгли тўқ аёл хотиржам ишлайди, – дейди фермер. – Шунинг учун боғчани тезроқ қуриб, битиришимиз керак.

Сайёра Ҳожиева ўғил-қиз, келин, невараларига изланиш, интилиш, доимий ҳаракат – гўзал ҳаёт, фаровон турмуш калити эканини уқтиради. "Тадбиркорлик ҳамжиҳатликни хуш кўради", дейди у оила аъзоларига.

**Сайёра РИХСИЕВА,**
**"Тошкент ҳақиқати" мухбири**
*Мансур ҲИММАТОВ олган сурат*

Партиялар ҳаёти

# ОРЗУЛАРИ ОСМОН ҚИЗЛАР

*Қизлар тарбияланадиган Чиноз туманидаги махсус мактаб-интернатга Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ҳузуридаги Оила ва аёллар масалалари бўйича комиссия, "Миллий тикланиш" демократик партияси вилоят Кенгаши аъзолари, вилоят ҳокимлиги, хотин-қизлар қўмитаси, прокуратура, ички ишлар, халқ таълими бошқармалари, Ёшлар иттифоқи вакиллари ҳамда бир гуруҳ депутатлар ташриф буюришди.*



"Миллий тикланиш" демократик партияси вилоят кенгаши раиси Маҳмуд Назаровнинг айтишича, мазкур тадбирдан асосий мақсад муассасадаги таълим жараёни ва тарбияланувчиларга яратилган шарт-шароитларни кўздан кечириш, мулоқот орқали қизларнинг бу ерга тушиб қолишининг асл ижтимоий сабабларини ўрганиш, интернат ёшларнинг жамиятга фойдаси тегадиган шахс бўлиб вояга етишишида қанчалик самарали фаолият кўрсатаётганини аниқлашдан иборатдир.

Шу муносабат билан ташкил этилган тадбирда сўз олган "Миллий тикланиш" демократик партияси Марказий кенгаши раиси ўринбосари Фируза Муҳамеджанова, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутати Даврон Арипов ва бошқалар мамлакатимизда хотин-қизларни ҳар жиҳатдан қўллаб-қувватлашга алоҳида эътибор қаратилаётгани ва бу ўз самарасини бераётганини таъкидладилар.

Қайд этиш жоиз, бугун хотин-қизлар орасида депутат, мураббий, ҳарбий, шифокор, тадбиркор, фаол фермерлар кўп. Мазкур даргоҳда тарбияланаётган қизлардан ҳам эртага халқимизга нафи тегадиган фаол, намунали оила бекалари етишиб чиқишига шубҳа йўқ.

Тадбир сўнгида муассасадаги 37 нафар тарбияланувчига Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси Марказий ҳамда вилоят Кенгашларининг совғалари топширилди. Ҳамкор ташкилотлар масъул ходимлари билан биргаликда бундай тадбирни ҳар чоракда ўтказиш ва муассаса фаолиятини янада яхшилаш бўйича таклифлар тайёрланиб, тегишли чора-тадбирлар ишлаб чиқишга келишиб олинди.

*Қобилжон ҒОФУРОВ олган сурат*

# «МЕНИНГ МАҲАЛЛАМДА ЖИНОЯТ БЎЛМАСЛИГИ КЕРАК»

Қуйи Чирчиқ тумани, "Мевазор" маҳалла фуқаролар йиғинида бўлиб ўтган ўғирлик жинояти муҳокамасида туман ИИБ бошлиғи ўринбосари М. Эгамбердиев сўзга чиқди. Маҳаллада жамоатчилик назоратини кучайтириш, шу Ватан фарзандиман, деган одам уни қўриқлаши ҳам лозимлигини таъкидлади. Маҳаллада ҳар куни 2 нафар фуқаро профилактика инспектори ва посбонга ёрдам берса, мақсадга мувофиқ бўлишини, жойлардаги кузатув мосламалари тўлиқ ишга туширилиши лозимлигини айтди. Ёшлар ва аёллар бандлигини таъминлаш чоралари етарли эмаслигини қайд этди.

– Ҳамма иллатларнинг дояси – бекорчилик, деган гап бор, – давом этди у. – Маҳаллангиздаги Ватан кўчасида яшовчи Д. И. бир касбнинг этагини тутмасдан, жиноят кўчасига кирди. 5 йилу 6 ой қамалиб ҳам чиқди. Аммо, шунда ҳам тегишли хулоса чиқармади. Эски "касби" – бекорчиликни давом эттирди. Шу йил 6 мартдан 7 мартга ўтар кечаси яна бир жиноятга қўл урди. Шодлик кўчасидаги 86-уй олдида қаровсиз қолдирилган "Спарк" русумли автомашинанинг ойнасини тош билан уриб синдириб, машина ҳужжатлари ва 80 минг сўм пулни ўмариб, воқеа жойидан яширинди. Бу билан нима демоқчиман? Бекорчилар доимо диққат марказимизда бўлсин. Иложи бўлса, биринчи навбатда ана шундайларга иш ўринлари яратиб берайлик, ўртада тарбиялайлик!

Йиғилганлар жиноятчиликнинг олдини олиш борасида олиб борилаётган ишлар кўламини яна кенгайтириш, "Огоҳлик – давр талаби", "Менинг маҳалламда жиноят содир бўлмаслиги керак", деган гаплар қуруқ гап эмас, кундалик шиорга айланмоғи лозимлигини таъкидлашди.

Бундай тадбирлар вилоятимизнинг бошқа туман ва шаҳарларида ҳам бўлиб ўтмоқда.

**Саид МУҚИМОВ,**
**"Тошкент ҳақиқати" мухбири**

Бошланиши 1-бетда

Кўрик-танлов

*Олий ва ўрта махсус таълим, Адлия вазирликлари, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси, Ёшлар иттифоқи марказий кенгаши, Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институти ҳамкорлигида ўтказилаётган "Тафаккур синовлари" республика танлови ёшларда она Ватани ўтмиши, маданияти ва анъаналарини билиш орқали миллий ғурурни шакллантиришга замин яратмоқда.*

# ТАЛАБАЛАР УЧУН – «ТАФАККУР СИНОВЛАРИ»



Чирчиқ шаҳридаги "Офицерлар уйи"да танловнинг вилоят босқичи бўлиб ўтди. Унда Тошкент давлат аграр университети, Чирчиқ давлат педагогика, Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия институтлари ҳамда Ислом Каримов номидаги Тошкент давлат техника университетининг Олмалиқ филиали жамоалари "Ёшлар овози", "Тезкор савол-жавоб", "Муаммо ва ечим", "Саҳнада тафаккур синовлари" каби қизиқарли шартлар бўйича беллашиб, ўз билим ва иқтидорларини намойиш этдилар.

Якуний натижаларга кўра, Тошкент давлат аграр университетининг "Агроислоҳотчи" жамоаси 1-ўринни қўлга киритди. Ғолиб жамоа ташкилотчи ва ҳамкорларнинг эсдалик совғалари билан тақдирланди.

**Ирода НОРБОЕВА,**
**"Тошкент ҳақиқати" мухбири**
*Қобилжон ҒОФУРОВ олган сурат*

# ЖАМИЯТНИНГ МУҲИМ БОЙЛИГИ

*Бўка туманидаги "Катта равот" маҳалла фуқаролар йиғинида Ўзбекистон Халқ демократик партияси марказий кенгаши томонидан "Аёллар бандлиги – оила фаровонлиги" ҳамда "Аёллар соғлиғи – жамият бойлиги" мавзуларида акция ўтказилди.*

Мазкур тадбирда кам таъминланган, имконияти чекланган аёлларга ёрдам кўрсатиш, оилавий ажримлар, хотин-қизлар ўртасида жиноятчиликнинг олдини олиш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди.

Маълумотларга кўра, бугунги кунда вилоятимиз аҳолисининг 1 миллион 351 мингдан ортиғини хотин-қизлар ташкил этади. Ўзбекистон Халқ демократик партияси марказий кенгаши томонидан ҳудудларда мунтазам равишда хотин-қизларнинг ҳуқуқий билими, сиёсий маданиятини оширишга қаратилган сиёсий ўқувлар, давра суҳбатлари ўтказилмоқда. Аёллар ўртасида тиббий акциялар, оилавий тадбиркорлик ва касаначиликни ривожлантириш, улар бандлигини таъминлаш бўйича бир қатор лойиҳалар ташкил этилаяпти.

Бу галги акцияда ҳам ижтимоий ҳимояга муҳтож, кам таъминланган оилалардаги аёллар ва болалар вилоят соғлиқни сақлаш бошқармасининг малакали шифокорлари томонидан тиббий кўрикдан ўтказилди. Тиббий кўрик натижалари бўйича 40 нафар хотин-қиз саломатлигини тиклаш марказларига юборилди. Аҳоли ўртасида тиббий маданиятни юксалтириш, соғлом турмуш тарзини қарор топтириш, ёшлар ўртасида соғлом оила тарғиботини кучайтириш ва юқумли касалликларнинг олдини олиш бўйича тушунтириш ишлари олиб борилди.

**Ўз мухбиримиз**


Реклама ва эълонлар

# ДУК «Сувсоз» қошидаги «MUSAFFO OBI HAYOT» МЧЖ

**Тошкент вилоятининг Кибрай, Тошкент ва Зангиота туманларида шаҳар ичимлик сувидан истеъмол қилаётган абонентларга 2018 йил 1 майдан бошлаб ичимлик суви ва оқова сувларининг ягона нархлари қуйидагича белгиланади:**

**АҲОЛИ УЧУН:**
Ичимлик суви 1 м. куб – 319,00 сўм
Оқова хизмати 1 м. куб – 210,00 сўм

**ЮРИДИК КОРХОНАЛАР УЧУН:**
Ичимлик суви 1 м.куб – 992,00 сўм (+20% ҚҚС)
Оқова хизмати 1 м.куб – 447,00 сўм (+20% ҚҚС)

**БОШҚА УЛГУРЖИ ИСТЕЪМОЛЧИЛАР:**
Ичимлик суви 1 м.куб – 319,00 сўм (+20% ҚҚС)
Оқова хизмати 1 м.куб – 210,00 сўм (+20% ҚҚС)

**БЮДЖЕТ КОРХОНАЛАР УЧУН:**
Ичимлик суви 1 м.куб – 335,00 сўм (+20% ҚҚС)
Оқова хизмати 1 м.куб – 220,00 сўм (+20% ҚҚС)

**Тошкент вилояти "Сувоқова" давлат унитар корхонаси Тошкент вилояти Молия бошқармасининг 2018 йил 13 апрелдаги № ТВ-08-11-3-2018/2-сонли Декларациясига асосан 2018 йил 1 майдан бошлаб истеъмолчиларга етказиб бериладиган ичимлик суви ва канализация нархлари ўзгарганлигини маълум қилади:**

| | | |
|---|---|---|
| Аҳолига ичимлик суви | 1 м3 – 475 сўм, | Устама ҳақ – 20 сўм; |
| Бюджет ташкилотларига ичимлик суви | 1 м3 – 1650 сўм, | Устама ҳақ – 20 сўм; |
| Бошқа ташкилотларга ичимлик суви | 1 м3 – 1650 сўм, | Устама ҳақ – 20 сўм; |
| Аҳолига оқова хизмати | 1 м3 – 350 сўм; | |
| Бюджет ташкилотларига оқова хизмати | 1 м3 – 625 сўм; | |
| Бошқа ташкилотларга оқова хизмати | 1 м3 – 800 сўм; | |

**Эслатма:** Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 18 апрелдаги "Ўзбекистон Республикаси Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги фаолиятини ташкил этиш тўғрисида"ги ПҚ-2900-сонли қарори, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 15 декабрдаги 05/1-804-сонли топшириғи, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг 22 декабрдаги ЁТ/15-04-34-11/211-2257-сонли хати ҳамда Тошкент вилояти ҳокимининг 2017 йил 28 декабрдаги "Ичимлик суви таъминоти хизматлари тарифларига махсус устама ҳақ белгилаш тўғрисида"ги 777-сонли қарорига асосан "Уй-жой коммунал хўжалигини ривожлантириш жамғармаси" учун ичимлик суви тарифларига ***20 сўм махсус устама киритилган.***

**Маълумот учун:** Ҳисоблаш ускуналари бўлмаган ҳолатларда совуқ сув хизмати бўйича тўловлар белгиланган тарифларга ошиб борувчи 1,5 коэффициентини татбиқ этиш билан амалга оширилади.

**Корхона, муассасалар раҳбарлари ва Тошкент вилояти аҳолиси диққатига:**
***(Олмалиқ, Ангрен ва Чирчиқ шаҳарларидан ташқари)***
Тошкент вилояти "Иссиқлик манбаи" ишлаб чиқариш бошқармаси маълум қилади:
Тошкент вилояти Молия бошқармасининг **ТВ-08-11-3-2018/1-сонли** реестрига асосан: **2018 йил 1 майдан** бошлаб етказиб берилган иссиқлик энергиясининг нархи:

**а) Коммунал хўжалик, ишлаб чиқариш корхоналари ва бюджет ташкилотларига** 1 Гкал. учун – 60 000,00 сўм миқдорида (ҚҚСсиз);

**б) Аҳоли учун:**
– марказий иситиш бир кв.м. яшаш майдони учун ойига – 1 146,00 сўм;
– иссиқ сув бир киши учун ойига – 12 888,00 сўм;

**в) Иссиқ сув ўлчагичлари бўйича:**
– иссиқ сувдан меъёрий фойдаланиш бир куб. м. – 3 300,00 сўм.

**"Ko'chmas mulk savdo xizmati" МЧЖ Тошкент минтақавий филиали барча тадбиркорлик субъектларини, шу жумладан, кичик бизнес вакиллари ҳамда хусусий тадбиркорларни танлов савдоларига таклиф этади!**

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 7 октябрдаги 285 -сонли қарорига асосан, тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш учун юридик ва жисмоний шахсларга Тошкент вилоятидан қуйидаги ер участкаларининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи танлов савдоларига қўйилмоқда:

Олмалиқ шаҳри:

1. Олмалиқ шаҳри, Металлург кўчаси ҳудудида қурилиши режалаштирилаётган савдо ва маиший хизмат кўрсатиш шахобчаси учун майдони 0,15 Га. бўлган ер участкаси, минимал қиймати – 2 606 206 сўм, қурилиш муддати 9 ой, яратилиши лозим бўлган энг кам иш ўринлари 8 та, киритилиши лозим бўлган инвестициянинг энг кам миқдори – 804 930 000 сўм;

Пискент тумани:

2. Қориз ҚФЙ, Қирққизобод массиви ҳудудида қурилиши режалаштирилаётган савдо ва маиший хизмат кўрсатиш биноси учун майдони 0,02 Га. бўлган ер участкаси, минимал қиймати – 212 593 сўм, қурилиш муддати 7 ой, яратилиши лозим бўлган энг кам иш ўринлари 6 та, киритилиши лозим бўлган инвестициянинг энг кам миқдори – 746 400 000 сўм;

3. Қориз ҚФЙ, Қирққизобод массиви ҳудудида қурилиши режалаштирилаётган дўкон ва маиший хизмат кўрсатиш биноси учун майдони 0,04 Га. бўлган ер участкаси, минимал қиймати – 425 187 сўм, қурилиш муддати 8 ой, яратилиши лозим бўлган энг кам иш ўринлари 6 та, киритилиши лозим бўлган инвестициянинг энг кам миқдори – 974 052 000 сўм;

4. Саид ҚФЙ ҳудудида қурилиши режалаштирилаётган маиший хизмат ва қурилиш моллари дўкони учун майдони 0,04 Га. бўлган ер участкаси, минимал қиймати – 425 187 сўм, қурилиш муддати 8 ой, яратилиши лозим бўлган энг кам иш ўринлари 6 та, киритилиши лозим бўлган инвестициянинг энг кам миқдори – 901 101 000 сўм;

5. Қориз ҚФЙ ҳудудида қурилиши режалаштирилаётган дўкон биноси учун майдони 0,03 Га. бўлган ер участкаси, минимал қиймати – 318 890 сўм, қурилиш муддати 6 ой, яратилиши лозим бўлган энг кам иш ўринлари 4 та, киритилиши лозим бўлган инвестициянинг энг кам миқдори – 402 962 000 сўм;

Юқори Чирчиқ тумани:

6. Суранкент ҚФЙ ҳудудида қурилиши режалаштирилаётган минерал ўғит ва қурилиш моллари савдо шахобчаси учун майдони 0,05 Га. бўлган ер участкаси, минимал қиймати – 513 124 сўм, қурилиш муддати 8 ой, яратилиши лозим бўлган энг кам иш ўринлари 10 та, киритилиши лозим бўлган инвестициянинг энг кам миқдори – 841 370 000 сўм;

7. Наврўз ҚФЙ ҳудудида қурилиши режалаштирилаётган чойхона, новвойхона ва гўшт дўкони учун майдони 0,1 Га. бўлган ер участкаси, минимал қиймати – 789 420 сўм, қурилиш муддати 12 ой, яратилиши лозим бўлган энг кам иш ўринлари 8 та, киритилиши лозим бўлган инвестициянинг энг кам миқдори – 1 101 214 000 сўм;

Оҳангарон тумани:

8. Увак ҚФЙ ҳудудида қурилиши режалаштирилаётган савдо ва маиший хизмат кўрсатиш шахобчаси учун майдони 0,04 Га. бўлган ер участкаси, минимал қиймати – 315 769 сўм, қурилиш муддати 8 ой, яратилиши лозим бўлган энг кам иш ўринлари 6 та, киритилиши лозим бўлган инвестициянинг энг кам миқдори – 864 300 000 сўм;

9. Бирлик ҚФЙ ҳудудида қурилиши режалаштирилаётган эшик-ром устахонаси, автосервис ва қурилиш моллари дўкони учун майдони 0,22 Га. бўлган ер участкаси, минимал қиймати – 1 736 726 сўм, қурилиш муддати 12 ой, яратилиши лозим бўлган энг кам иш ўринлари 14 та, киритилиши лозим бўлган инвестициянинг энг кам миқдори – 1 641 202 000 сўм;

10. Озодлик ҚФЙ ҳудудида қурилиши режалаштирилаётган нон ишлаб чиқариш цехи учун майдони 0,12 Га. бўлган ер участкаси, минимал қиймати – 947 305 сўм, қурилиш муддати 10 ой, яратилиши лозим бўлган энг кам иш ўринлари 8 та, киритилиши лозим бўлган инвестициянинг энг кам миқдори – 769 743 000 сўм;

11. Дўстлик ҚФЙ ҳудудида қурилиши режалаштирилаётган савдо дўкони учун майдони 0,003 Га. бўлган ер участкаси, минимал қиймати – 23 683 сўм, қурилиш муддати 6 ой, яратилиши лозим бўлган энг кам иш ўринлари 2 та, киритилиши лозим бўлган инвестициянинг энг кам миқдори – 198 310 000 сўм;

12. Қорахитой ҚФЙ, "Ёнариқ" МФЙ ҳудудида қурилиши режалаштирилаётган савдо дўкони учун майдони 35 кв.метр бўлган ер участкаси, минимал қиймати – 27 630 сўм, қурилиш муддати 6 ой, яратилиши лозим бўлган энг кам иш ўринлари 2 та, киритилиши лозим бўлган инвестициянинг энг кам миқдори – 150 974 000 сўм;

13. Дўстлик ҚФЙ ҳудудида қурилиши режалаштирилаётган савдо дўкони учун майдони 0,05 Га. бўлган ер участкаси, минимал қиймати – 394 711 сўм, қурилиш муддати 8 ой, яратилиши лозим бўлган энг кам иш ўринлари 6 та, киритилиши лозим бўлган инвестициянинг энг кам миқдори – 872 645 000 сўм;

14. Телов ҚФЙ ҳудудида қурилиши режалаштирилаётган озиқ-овқат дўкони учун майдони 0,005 Га. бўлган ер участкаси, минимал қиймати – 39 471 сўм, қурилиш муддати 6 ой, яратилиши лозим бўлган энг кам иш ўринлари 4 та, киритилиши лозим бўлган инвестициянинг энг кам миқдори – 510 210 000 сўм;

15. Телов ҚФЙ ҳудудида қурилиши режалаштирилаётган савдо дўкони учун майдони 0,02 Га. бўлган ер участкаси, минимал қиймати – 157 884 сўм, қурилиш муддати 6 ой, яратилиши лозим бўлган энг кам иш ўринлари 4 та, киритилиши лозим бўлган инвестициянинг энг кам миқдори – 399 878 000 сўм;

16. "Шодлик" МФЙ ҳудудида қурилиши режалаштирилаётган гўзаллик салони учун майдони 0,01 Га. бўлган ер участкаси, минимал қиймати – 124 582 сўм, қурилиш муддати 6 ой, яратилиши лозим бўлган энг кам иш ўринлари 6 та, киритилиши лозим бўлган инвестициянинг энг кам миқдори – 455 231 000 сўм;

17. Қорахитой ҚФЙ ҳудудида қурилиши режалаштирилаётган ветеринария дорихонаси ва ем сотиш шахобчаси учун майдони 0,02 Га. бўлган ер участкаси, минимал қиймати – 157 884 сўм, қурилиш муддати 6 ой, яратилиши лозим бўлган энг кам иш ўринлари 4 та, киритилиши лозим бўлган инвестициянинг энг кам миқдори – 401 978 000 сўм;

18. Сусам ҚФЙ ҳудудида қурилиши режалаштирилаётган савдо дўкони учун майдони 0,015 Га. бўлган ер участкаси, минимал қиймати – 118 413 сўм, қурилиш муддати 6 ой, яратилиши лозим бўлган энг кам иш ўринлари 4 та, киритилиши лозим бўлган инвестициянинг энг кам миқдори – 401 354 000 сўм;

19. Телов ҚФЙ ҳудудида қурилиши режалаштирилаётган автомобилларга маиший техник хизмат кўрсатиш шахобчаси учун майдони 0,4 Га. бўлган ер участкаси, минимал қиймати – 3 157 683 сўм, қурилиш муддати 12 ой, яратилиши лозим бўлган энг кам иш ўринлари 12 та, киритилиши лозим бўлган инвестициянинг энг кам миқдори – 1 698 546 000 сўм;

20. Телов ҚФЙ, "Телов" МФЙ ҳудудида қурилиши режалаштирилаётган маиший хизмат кўрсатиш биноси учун майдони 0,05 Га. бўлган ер участкаси, минимал қиймати – 394 710 сўм, қурилиш муддати 7 ой, яратилиши лозим бўлган энг кам иш ўринлари 6 та, киритилиши лозим бўлган инвестициянинг энг кам миқдори – 688 546 000 сўм;

21. "Қорабалиқ" МФЙ ҳудудида қурилиши режалаштирилаётган маиший хизмат кўрсатиш шахобчаси учун майдони 0,08 Га. бўлган ер участкаси, минимал қиймати – 631 537 сўм, қурилиш муддати 8 ой, яратилиши лозим бўлган энг кам иш ўринлари 8 та, киритилиши лозим бўлган инвестициянинг энг кам миқдори – 997 956 000 сўм;

22. "Четсув" МФЙ, Четсув аҳоли пункти ҳудудида қурилиши режалаштирилаётган маҳалла гузари учун майдони 0,16 Га. бўлган ер участкаси, минимал қиймати – 1 263 073 сўм, қурилиш муддати 12 ой, яратилиши лозим бўлган энг кам иш ўринлари 10 та, киритилиши лозим бўлган инвестициянинг энг кам миқдори – 1 789 112 000 сўм;

23. "Навбаҳор" МФЙ ҳудудида қурилиши режалаштирилаётган савдо дўкони ва маиший хизмат кўрсатиш шахобчаси учун майдони 0,04 Га. бўлган ер участкаси, минимал қиймати – 498 330 сўм, қурилиш муддати 7 ой, яратилиши лозим бўлган энг кам иш ўринлари 5 та, киритилиши лозим бўлган инвестициянинг энг кам миқдори – 789 210 000 сўм;

24. "Хонобод" МФЙ, Қаландаров кўчаси бўйида қурилиши режалаштирилаётган дорихона учун майдони 0,01 Га. бўлган ер участкаси, минимал қиймати – 124 583 сўм, қурилиш муддати 4 ой, яратилиши лозим бўлган энг кам иш ўринлари 3 та, киритилиши лозим бўлган инвестициянинг энг кам миқдори – 210 541 000 сўм;

25. "Қуюн" МФЙ ҳудудида қурилиши режалаштирилаётган автосервис ва ем сотиш шахобчаси учун майдони 0,04 Га. бўлган ер участкаси, минимал қиймати – 315 767 сўм, қурилиш муддати 6 ой, яратилиши лозим бўлган энг кам иш ўринлари 6 та, киритилиши лозим бўлган инвестициянинг энг кам миқдори – 741 235 000 сўм;

Чиноз тумани:

26. "И. Шарипов" МФЙ, Ф. Хўжаев кўчаси бўйида қурилиши режалаштирилаётган аҳолига маиший хизмат кўрсатиш, умумий овқатланиш, новвойхона, сартарошхона ва савдо дўкони бўлган маҳалла гузари учун майдони 0,2 Га. бўлган ер участкаси, минимал қиймати – 2 491 647 сўм, қурилиш муддати 12 ой, яратилиши лозим бўлган энг кам иш ўринлари 14 та, киритилиши лозим бўлган инвестициянинг энг кам миқдори – 1 998 749 000 сўм;

27. "Ислоҳот" МФЙ, А. Навоий массиви ҳудудида қурилиши режалаштирилаётган спорт мажмуаси, сартарошхона, озиқ-овқат дўкони учун майдони 0,39 Га. бўлган ер участкаси, минимал қиймати – 3 078 741 сўм, қурилиш муддати 12 ой, яратилиши лозим бўлган энг кам иш ўринлари 12 та, киритилиши лозим бўлган инвестициянинг энг кам миқдори – 1 872 645 000 сўм;


Давоми 3-бетда

Реклама ва эълонлар

Бошланиши 2-бетда

## "Ko'chmas mulk savdo xizmati" МЧЖ Тошкент минтақавий филиали барча тадбиркорлик субъектларини, шу жумладан, кичик бизнес вакиллари ҳамда хусусий тадбиркорларни танлов савдоларига таклиф этади!

28. Янги Чиноз ҚФЙ ҳудудида қурилиши режалаштирилаётган шлакоблок ишлаб чиқариш цехи учун майдони 0,11 Га. бўлган ер участкаси, минимал қиймати – 1 370 405 сўм, қурилиш муддати 5 ой, яратилиши лозим бўлган энг кам иш ўринлари 6 та, киритилиши лозим бўлган инвестициянинг энг кам миқдори – 315 687 000 сўм;

29. Эшонобод ҚФЙ, "Шалола" маҳалласи ҳудудида қурилиши режалаштирилаётган Аҳолига маиший хизмат кўрсатиш биноси учун майдони 0,4 Га. бўлган ер участкаси, минимал қиймати – 3 157 683 сўм, қурилиш муддати 12 ой, яратилиши лозим бўлган энг кам иш ўринлари 8 та, киритилиши лозим бўлган инвестициянинг энг кам миқдори – 1 561 100 000 сўм;

Ангрен шаҳри:

30. 5/4-даҳа, Бунёдкор кўчаси ҳудудида қурилиши режалаштирилаётган 2 қаватли савдо ва маиший хизмат кўрсатиш шахобчалари ва болалар ўйин майдончалари мажмуаси учун майдони 0,55 Га. бўлган ер участкаси, минимал қиймати – 9 556 091 сўм, қурилиш муддати 12 ой, яратилиши лозим бўлган энг кам иш ўринлари 12 та, киритилиши лозим бўлган инвестициянинг энг кам миқдори – 1 983 894 000 сўм;

31. Чиғириқ қўрғони ҳудудида қурилиши режалаштирилаётган даволаш-диагностика маркази учун майдони 0,12 Га. бўлган ер участкаси, минимал қиймати – 1 494 988 сўм, қурилиш муддати 12 ой, яратилиши лозим бўлган энг кам иш ўринлари 8 та, киритилиши лозим бўлган инвестициянинг энг кам миқдори – 1 236 921 000 сўм;

32. Оҳангарон кўчаси бўйида қурилиши режалаштирилаётган автоуловлар сақлаш жойи учун майдони 0,2 Га. бўлган ер участкаси, минимал қиймати – 3 474 942 сўм, қурилиш муддати 4 ой, яратилиши лозим бўлган энг кам иш ўринлари 6 та, киритилиши лозим бўлган инвестициянинг энг кам миқдори – 410 367 000 сўм;

33. 6/3-даҳа, Гулзор кўчаси бўйида қурилиши режалаштирилаётган 2 қаватли савдо ва маиший хизмат кўрсатиш мажмуаси учун майдони 108 кв.метр бўлган ер участкаси, минимал қиймати – 187 647 сўм, қурилиш муддати 6 ой, яратилиши лозим бўлган энг кам иш ўринлари 4 та, киритилиши лозим бўлган инвестициянинг энг кам миқдори – 291 610 000 сўм;

34. 5/4-даҳа ҳудудида қурилиши режалаштирилаётган аҳолига маиший хизмат кўрсатиш (тикувчилик, гўзаллик салони, сартарошхона, дизайнер офис, фитнес клуб, ўқув маркази, дорихона ва озиқ-овқат дўкони) мажмуаси учун майдони 0,20 Га. бўлган ер участкаси, минимал қиймати – 3 474 942 сўм, қурилиш муддати 12 ой, яратилиши лозим бўлган энг кам иш ўринлари 14 та, киритилиши лозим бўлган инвестициянинг энг кам миқдори – 1 791 937 000 сўм;

35. Дўстлик кўчаси ҳудудида қурилиши режалаштирилаётган аҳолига маиший хизмат кўрсатиш мажмуаси учун майдони 0,16 Га. бўлган ер участкаси, минимал қиймати – 2 779 954 сўм, қурилиш муддати 12 ой, яратилиши лозим бўлган энг кам иш ўринлари 10 та, киритилиши лозим бўлган инвестициянинг энг кам миқдори – 1 721 062 000 сўм;

36. Г. Эргашев кўчаси ҳудудида қурилиши режалаштирилаётган маиший хизмат кўрсатиш шахобчаси учун майдони 0,012 Га. бўлган ер участкаси, минимал қиймати – 208 497 сўм, қурилиш муддати 5 ой, яратилиши лозим бўлган энг кам иш ўринлари 4 та, киритилиши лозим бўлган инвестициянинг энг кам миқдори – 360 954 000 сўм;

37. "Соғлом" маҳалласи ҳудудида қурилиши режалаштирилаётган 2 қаватли маҳалла гузари ва болалар спорт ўйингоҳи учун майдони 0,8 Га. бўлган ер участкаси, минимал қиймати – 13 899 769 сўм, қурилиш муддати 12 ой, яратилиши лозим бўлган энг кам иш ўринлари 14 та, киритилиши лозим бўлган инвестициянинг энг кам миқдори – 1 997 098 000 сўм;

Қуйи Чирчиқ тумани:

38. Қўрғонча ҚФЙ, "Олғабос" маҳалласи ҳудудида қурилиши режалаштирилаётган замонавий сунъий қопламали кичик футбол майдончаси, аҳолига хизмат кўрсатиш шахобчалари (озиқ-овқат дўкони, автомобилларга хизмат кўрсатиш, гўзаллик салони) учун майдони 0,3 Га. бўлган ер участкаси, минимал қиймати – 2 368 262 сўм, қурилиш муддати 12 ой, яратилиши лозим бўлган энг кам иш ўринлари 12 та, киритилиши лозим бўлган инвестициянинг энг кам миқдори – 1 652 584 000 сўм;

39. Кетмонтепа ҚФЙ, "Мингчинор" маҳалласи ҳудудида қурилиши режалаштирилаётган маҳалла гузари учун майдони 0,045 Га. бўлган ер участкаси, минимал қиймати – 355 239 сўм, қурилиш муддати 7 ой, яратилиши лозим бўлган энг кам иш ўринлари 6 та, киритилиши лозим бўлган инвестициянинг энг кам миқдори – 548 974 000 сўм;

40. Янги ҳаёт ҚФЙ, "Янги ҳаёт" маҳалласи ҳудудида қурилиши режалаштирилаётган озиқ-овқат дўкони, умумий овқатланиш мажмуаси ва тикув цехи ҳамда сартарошхона учун майдони 0,1 Га. бўлган ер участкаси, минимал қиймати – 789 420 сўм, қурилиш муддати 12 ой, яратилиши лозим бўлган энг кам иш ўринлари 10 та, киритилиши лозим бўлган инвестициянинг энг кам миқдори – 1 032 210 000 сўм;

41. Янги ҳаёт ҚФЙ, "Ан-Дон-Су" маҳалласи ҳудудида қурилиши режалаштирилаётган озиқ-овқат дўкони, умумий овқатланиш мажмуаси ҳамда сартарошхона учун майдони 0,06 Га. бўлган ер участкаси, минимал қиймати – 473 652 сўм, қурилиш муддати 10 ой, яратилиши лозим бўлган энг кам иш ўринлари 10 та, киритилиши лозим бўлган инвестициянинг энг кам миқдори – 911 324 000 сўм;

42. Кетмонтепа ҚФЙ, Улуғбек массиви ҳудудида қурилиши режалаштирилаётган озиқ-овқат дўкони ва умумий овқатланиш шахобчаси учун майдони 0,1 Га. бўлган ер участкаси, минимал қиймати – 789 420 сўм, қурилиш муддати 8 ой, яратилиши лозим бўлган энг кам иш ўринлари 8 та, киритилиши лозим бўлган инвестициянинг энг кам миқдори – 610 245 000 сўм;

43. Истиқлол ҚФЙ, "Нуробод" маҳалласи ҳудудида қурилиши режалаштирилаётган савдо дўкони ва маиший хизмат кўрсатиш шахобчаси учун майдони 0,01 Га. бўлган ер участкаси, минимал қиймати – 78 942 сўм, қурилиш муддати 4 ой, яратилиши лозим бўлган энг кам иш ўринлари 4 та, киритилиши лозим бўлган инвестициянинг энг кам миқдори – 310 261 000 сўм;

44. Тошовул ҚФЙ, "Тошовул" маҳалласи ҳудудида қурилиши режалаштирилаётган кичик футбол майдони ва спорт майдончалари ҳамда қўшимча бинолар учун майдони 0,8 Га. бўлган ер участкаси, минимал қиймати – 6 315 366 сўм, қурилиш муддати 12 ой, яратилиши лозим бўлган энг кам иш ўринлари 8 та, киритилиши лозим бўлган инвестициянинг энг кам миқдори – 1 972 498 000 сўм;

45. Кетмонтепа ҚФЙ, "Мингчинор" маҳалласи ҳудудида қурилиши режалаштирилаётган озиқ-овқат дўкони учун майдони 0,09 Га. бўлган ер участкаси, минимал қиймати – 710 478 сўм, қурилиш муддати 8 ой, яратилиши лозим бўлган энг кам иш ўринлари 4 та, киритилиши лозим бўлган инвестициянинг энг кам миқдори – 345 610 000 сўм;

46. "Сергели" маҳалласи ҳудудида қурилиши режалаштирилаётган ем-хашак сақлаш омборхонаси учун майдони 0,1 Га. бўлган ер участкаси, минимал қиймати – 789 420 сўм, қурилиш муддати 4 ой, яратилиши лозим бўлган энг кам иш ўринлари 4 та, киритилиши лозим бўлган инвестициянинг энг кам миқдори – 210 934 000 сўм;

47. Дўстобод шаҳри, 1-сон "Ишчилар" маҳалласи, Ифтихор кўчаси ҳудудида қурилиши режалаштирилаётган замонавий типдаги мини футбол майдончаси учун майдони 0,8 Га. бўлган ер участкаси, минимал қиймати – 6 315 366 сўм, қурилиш муддати 12 ой, яратилиши лозим бўлган энг кам иш ўринлари 8 та, киритилиши лозим бўлган инвестициянинг энг кам миқдори – 1 570 120 000 сўм;

48. Гул ҚФЙ, "Ўжакент" маҳалласи ҳудудида қурилиши режалаштирилаётган новвойхона учун майдони 0,08 Га. бўлган ер участкаси, минимал қиймати – 631 536 сўм, қурилиш муддати 6 ой, яратилиши лозим бўлган энг кам иш ўринлари 6 та, киритилиши лозим бўлган инвестициянинг энг кам миқдори – 310 247 000 сўм;

49. Кетмонтепа ҚФЙ, "Мингчинор" маҳалласи ҳудудида қурилиши режалаштирилаётган автомобилларни ювиш шахобчаси, музқаймоқ ва салқин ичимликлар кафеси учун майдони 0,09 Га. бўлган ер участкаси, минимал қиймати – 710 478 сўм, қурилиш муддати 6 ой, яратилиши лозим бўлган энг кам иш ўринлари 6 та, киритилиши лозим бўлган инвестициянинг энг кам миқдори – 510 121 000 сўм;

50. Кетмонтепа ҚФЙ, "Мингчинор" маҳалласи ҳудудида қурилиши режалаштирилаётган миллий қандолатчилик цехи учун майдони 0,1 Га. бўлган ер участкаси, минимал қиймати – 789 420 сўм, қурилиш муддати 8 ой, яратилиши лозим бўлган энг кам иш ўринлари 8 та, киритилиши лозим бўлган инвестициянинг энг кам миқдори – 710 201 000 сўм.

51. Тошовул ҚФЙ, Тошовул массиви ҳудудида қурилиши режалаштирилаётган дорихона ва савдо дўкони учун майдони 80 кв.метр бўлган ер участкаси, минимал қиймати – 63 153 сўм, қурилиш муддати 4 ой, яратилиши лозим бўлган энг кам иш ўринлари 4 та, киритилиши лозим бўлган инвестициянинг энг кам миқдори – 291 934 000 сўм;

52. "Мевазор" МФЙ ҳудудида қурилиши режалаштирилаётган маиший хизмат кўрсатиш шахобчаси учун майдони 0,1 Га. бўлган ер участкаси, минимал қиймати – 789 420 сўм, қурилиш муддати 8 ой, яратилиши лозим бўлган энг кам иш ўринлари 6 та, киритилиши лозим бўлган инвестициянинг энг кам миқдори – 596 494 000 сўм;

53. "Дўстлик" МФЙ ҳудудида қурилиши режалаштирилаётган аҳолига маиший ва автомобилларга техник хизмат кўрсатиш мажмуаси учун майдони 0,12 Га. бўлган ер участкаси, минимал қиймати – 947 304 сўм, қурилиш муддати 12 ой, яратилиши лозим бўлган энг кам иш ўринлари 10 та, киритилиши лозим бўлган инвестициянинг энг кам миқдори – 1 100 312 000 сўм;

54. "Минг Чинор" МФЙ ҳудудида қурилиши режалаштирилаётган ёғоч ўйиш биноси учун майдони 0,3 Га. бўлган ер участкаси, минимал қиймати – 2 368 262 сўм, қурилиш муддати 5 ой, яратилиши лозим бўлган энг кам иш ўринлари 6 та, киритилиши лозим бўлган инвестициянинг энг кам миқдори – 436 917 000 сўм;

Чирчиқ шаҳри:

55. 10-кичик туман, Бобур номидаги МФЙ ҳудудида қурилиши режалаштирилаётган болалар спорт ўйин майдончаси, баскетбол майдончаси ҳамда маҳалла аҳолиси учун маиший хизмат кўрсатиш уйи ва автотураргоҳ учун майдони 0,3 Га. бўлган ер участкаси, минимал қиймати – 5 212 414 сўм, қурилиш муддати 8 ой, яратилиши лозим бўлган энг кам иш ўринлари 10 та, киритилиши лозим бўлган инвестициянинг энг кам миқдори – 1 349 671 000 сўм;

56. Ғалаба кўчаси ҳудудида қурилиши режалаштирилаётган ўқув маркази учун майдони 0,04 Га. бўлган ер участкаси, минимал қиймати – 694 989 сўм, қурилиш муддати 6 ой, яратилиши лозим бўлган энг кам иш ўринлари 6 та, киритилиши лозим бўлган инвестициянинг энг кам миқдори – 410 235 000 сўм;

57. Феруз кўчаси ҳудудида қурилиши режалаштирилаётган ўқув маркази учун майдони 0,04 Га. бўлган ер участкаси, минимал қиймати – 694 989 сўм, қурилиш муддати 6 ой, яратилиши лозим бўлган энг кам иш ўринлари 6 та, киритилиши лозим бўлган инвестициянинг энг кам миқдори – 460 512 000 сўм;

58. Заковат кўчаси бўйида қурилиши режалаштирилаётган савдо ва хизмат кўрсатиш мажмуаси учун майдони 0,15 Га. бўлган ер участкаси, минимал қиймати – 2 606 207 сўм, қурилиш муддати 8 ой, яратилиши лозим бўлган энг кам иш ўринлари 7 та, киритилиши лозим бўлган инвестициянинг энг кам миқдори – 873 245 000 сўм;

59. А. Темур кўчаси бўйида қурилиши режалаштирилаётган канцелярия моллари дўкони учун майдони 0,12 Га. бўлган ер участкаси, минимал қиймати – 2 084 966 сўм, қурилиш муддати 8 ой, яратилиши лозим бўлган энг кам иш ўринлари 6 та, киритилиши лозим бўлган инвестициянинг энг кам миқдори – 610 547 000 сўм;

60. "Умид" МФЙ, Умид кўчаси ҳудудида қурилиши режалаштирилаётган хизмат кўрсатиш (компьютерхона ва фотосалон) биноси учун майдони 0,1 Га. бўлган ер участкаси, минимал қиймати – 1 737 472 сўм, қурилиш муддати 6 ой, яратилиши лозим бўлган энг кам иш ўринлари 5 та, киритилиши лозим бўлган инвестициянинг энг кам миқдори – 495 997 000 сўм;

61. 4-кичик туман, А. Темур шоҳкўчаси бўйида қурилиши режалаштирилаётган ёпиқ турдаги бассейн, аҳоли учун дам олиш ва хизмат кўрсатиш объектлари учун майдони 0,25 Га. бўлган ер участкаси, минимал қиймати – 4 343 678 сўм, қурилиш муддати 8 ой, яратилиши лозим бўлган энг кам иш ўринлари 12 та, киритилиши лозим бўлган инвестициянинг энг кам миқдори – 1 999 728 000 сўм;

62. 4-кичик туман, А. Темур шоҳкўчаси бўйида қурилиши режалаштирилаётган савдо мажмуаси ва қаҳвахона учун майдони 0,2 Га. бўлган ер участкаси, минимал қиймати – 3 474 943 сўм, қурилиш муддати 8 ой, яратилиши лозим бўлган энг кам иш ўринлари 12 та, киритилиши лозим бўлган инвестициянинг энг кам миқдори – 1 213 572 000 сўм;

Ўрта Чирчиқ тумани:

63. "Навоий" ҚФЙ ҳудудида қурилиши режалаштирилаётган замонавий кутубхона учун майдони 0,03 Га. бўлган ер участкаси, минимал қиймати – 236 826 сўм, қурилиш муддати 5 ой, яратилиши лозим бўлган энг кам иш ўринлари 4 та, киритилиши лозим бўлган инвестициянинг энг кам миқдори – 210 245 000 сўм;

64. "Қайтмас" МФЙ ҳудудида қурилиши режалаштирилаётган маиший хизмат кўрсатиш шахобчаси учун майдони 0,01 Га. бўлган ер участкаси, минимал қиймати – 78 942 сўм, қурилиш муддати 4 ой, яратилиши лозим бўлган энг кам иш ўринлари 4 та, киритилиши лозим бўлган инвестициянинг энг кам миқдори – 240 112 000 сўм;

Бўка тумани:

65. Қуштепа ҚФЙ ҳудудида қурилиши режалаштирилаётган савдо, маиший хизмат кўрсатиш ва тўй маросимлари ўтказиш биноси учун майдони 0,18 Га. бўлган ер участкаси, минимал қиймати – 1 420 958 сўм, қурилиш муддати 12 ой, яратилиши лозим бўлган энг кам иш ўринлари 10 та, киритилиши лозим бўлган инвестициянинг энг кам миқдори – 1 020 124 000 сўм;

66. Чиғатой ҚФЙ, Й. Хожиметов массиви ҳудудида қурилиши режалаштирилаётган савдо, маиший, пуллик хизмат кўрсатиш ва дорихона шахобчаси учун майдони 0,08 Га. бўлган ер участкаси, минимал қиймати – 631 537 сўм, қурилиш муддати 8 ой, яратилиши лозим бўлган энг кам иш ўринлари 6 та, киритилиши лозим бўлган инвестициянинг энг кам миқдори – 610 213 000 сўм;

67. Чиғатой ҚФЙ, Й. Хожиметов массиви ҳудудида қурилиши режалаштирилаётган савдо ва маиший хизмат кўрсатиш маркази, гўзаллик салони, умумий овқатланиш шахобчаси учун майдони 0,2 Га. бўлган ер участкаси, минимал қиймати – 1 578 842 сўм, қурилиш муддати 12 ой, яратилиши лозим бўлган энг кам иш ўринлари 12 та, киритилиши лозим бўлган инвестициянинг энг кам миқдори – 1 100 941 000 сўм;

68. Чиғатой ҚФЙ, Й. Хожиметов массиви ҳудудида қурилиши режалаштирилаётган озиқ-овқат дўкони ва маиший хизмат кўрсатиш мажмуаси учун майдони 0,04 Га. бўлган ер участкаси, минимал қиймати – 315 769 сўм, қурилиш муддати 6 ой, яратилиши лозим бўлган энг кам иш ўринлари 4 та, киритилиши лозим бўлган инвестициянинг энг кам миқдори – 450 617 000 сўм;

69. Магистрал кўчасида жойлашган ДСЭНМ ҳудудида қурилиши режалаштирилаётган ҳашарот ва кемирувчиларни зарарсизлантириш шахобчаси" (дезинфекция) учун майдони 0,1 Га. бўлган ер участкаси, минимал қиймати – 1 245 824 сўм, қурилиш муддати 7 ой, яратилиши лозим бўлган энг кам иш ўринлари 4 та, киритилиши лозим бўлган инвестициянинг энг кам миқдори – 410 218 000 сўм;

70. Намуна ҚФЙ, "Мирзабек" МФЙ, "Жамбул" фермерлар уюшмаси ҳудудида қурилиши режалаштирилаётган аҳолига маиший хизмат кўрсатиш, озиқ-овқат дўкони ва компьютер хизмати шахобчаси учун майдони 0,015 Га. бўлган ер участкаси, минимал қиймати – 118 414 сўм, қурилиш муддати 6 ой, яратилиши лозим бўлган энг кам иш ўринлари 4 та, киритилиши лозим бўлган инвестициянинг энг кам миқдори – 397 123 000 сўм;

71. "Ачамайли файз барака" МФЙ ҳудудида қурилиши режалаштирилаётган савдо, умумий овқатланиш ва Оталар чойхонаси учун майдони 0,12 Га. бўлган ер участкаси, минимал қиймати – 947 305 сўм, қурилиш муддати 8 ой, яратилиши лозим бўлган энг кам иш ўринлари 8 та, киритилиши лозим бўлган инвестициянинг энг кам миқдори – 810 472 000 сўм;

72. "Янги ҳаёт" МФЙ ҳудудида қурилиши режалаштирилаётган савдо, маиший хизмат кўрсатиш ва умумий овқатланиш шахобчаси учун майдони 0,02 Га. бўлган ер участкаси, минимал қиймати – 249 165 сўм, қурилиш муддати 7 ой, яратилиши лозим бўлган энг кам иш ўринлари 5 та, киритилиши лозим бўлган инвестициянинг энг кам миқдори – 416 312 000 сўм;

Бекобод тумани:

73. Далварзин ҚФЙ, "Янги бозор" маҳалласи ҳудудида қурилиши режалаштирилаётган мини футбол, волейбол, стол тенниси, шахмат ва шашка тўгараклари биноси учун майдони 0,12 Га. бўлган ер участкаси, минимал қиймати – 947 304 сўм, қурилиш муддати 5 ой, яратилиши лозим бўлган энг кам иш ўринлари 6 та, киритилиши лозим бўлган инвестициянинг энг кам миқдори – 491 573 000 сўм;

74. Меҳнатобод ҚФЙ, "Тақачи" маҳалласи ҳудудида қурилиши режалаштирилаётган тўйхона, новвойхона ва савдо дўкони учун майдони 0,3 Га. бўлган ер участкаси, минимал қиймати – 2 368 262 сўм, қурилиш муддати 12 ой, яратилиши лозим бўлган энг кам иш ўринлари 8 та, киритилиши лозим бўлган инвестициянинг энг кам миқдори – 1 571 610 000 сўм;

75. Маданият ҚФЙ, "Пастки керайит" маҳалласи ҳудудида қурилиши режалаштирилаётган сартарошхона ва гўшт дўкони учун майдони 0,02 Га. бўлган ер участкаси, минимал қиймати – 157 884 сўм, қурилиш муддати 8 ой, яратилиши лозим бўлган энг кам иш ўринлари 6 та, киритилиши лозим бўлган инвестициянинг энг кам миқдори – 564 913 000 сўм;

76. Далварзин ҚФЙ, "Янги бозор" маҳалласи ҳудудида қурилиши режалаштирилаётган аҳолига маиший хизмат кўрсатиш шахобчаси учун майдони 0,2 Га. бўлган ер участкаси, минимал қиймати – 1 578 841 сўм, қурилиш муддати 8 ой, яратилиши лозим бўлган энг кам иш ўринлари 8 та, киритилиши лозим бўлган инвестициянинг энг кам миқдори – 673 816 000 сўм;

77. Гулистон ҚФЙ, "Қўрғон" маҳалласи ҳудудида қурилиши режалаштирилаётган қурилиш моллари дўкони учун майдони 0,06 Га. бўлган ер участкаси, минимал қиймати – 473 652 сўм, қурилиш муддати 6 ой, яратилиши лозим бўлган энг кам иш ўринлари 4 та, киритилиши лозим бўлган инвестициянинг энг кам миқдори – 510 246 000 сўм;

78. Жумабозор ҚФЙ, "Бунёдкор" маҳалласи ҳудудида қурилиши режалаштирилаётган ипак қурти боқиш биноси учун майдони 0,04 Га. бўлган ер участкаси, минимал қиймати – 315 768 сўм, қурилиш муддати 5 ой, яратилиши лозим бўлган энг кам иш ўринлари 4 та, киритилиши лозим бўлган инвестициянинг энг кам миқдори – 310 245 000 сўм;

79. Баҳористон ҚФЙ ҳудудида қурилиши режалаштирилаётган жарима майдончаси ва автомобилларга техник хизмат кўрсатиш шахобчаси учун майдони 0,06 Га. бўлган ер участкаси, минимал қиймати – 473 652 сўм, қурилиш муддати 6 ой, яратилиши лозим бўлган энг кам иш ўринлари 4 та, киритилиши лозим бўлган инвестициянинг энг кам миқдори – 674 101 000 сўм;

80. Зафар шаҳарчаси, У. Носиров кўчаси бўйида қурилиши режалаштирилаётган савдо дўкони учун майдони 0,015 Га. бўлган ер участкаси, минимал қиймати – 118 413 сўм, қурилиш муддати 4 ой, яратилиши лозим бўлган энг кам иш ўринлари 4 та, киритилиши лозим бўлган инвестициянинг энг кам миқдори – 224 350 000 сўм;

81. Зафар ҚФЙ, "Гулистон" маҳалласи ҳудудида қурилиши режалаштирилаётган савдо дўкони учун майдони 0,02 Га. бўлган ер участкаси, минимал қиймати – 157 884 сўм, қурилиш муддати 5 ой, яратилиши лозим бўлган энг кам иш ўринлари 4 та, киритилиши лозим бўлган инвестициянинг энг кам миқдори – 261 324 000 сўм;

82. Зарафшон ҚФЙ, "Фарҳод" маҳалласи ҳудудида қурилиши режалаштирилаётган аҳолига маиший хизмат кўрсатиш шахобчаси учун майдони 0,01 Га. бўлган ер участкаси, минимал қиймати – 78 942 сўм, қурилиш муддати 4 ой, яратилиши лозим бўлган энг кам иш ўринлари 4 та, киритилиши лозим бўлган инвестициянинг энг кам миқдори – 249 582 000 сўм;

83. Жумабозор ҚФЙ, "Ўзбекобод" маҳалласи ҳудудида қурилиши режалаштирилаётган аҳолига маиший хизмат кўрсатиш шахобчаси учун майдони 0,018 Га. бўлган ер участкаси, минимал қиймати – 142 095 сўм, қурилиш муддати 5 ой, яратилиши лозим бўлган энг кам иш ўринлари 5 та, киритилиши лозим бўлган инвестициянинг энг кам миқдори – 310 154 000 сўм;

84. Қиёт ҚФЙ, "Уяс" маҳалласи ҳудудида қурилиши режалаштирилаётган маиший хизмат кўрсатиш шахобчаси учун майдони 0,02 Га. бўлган ер участкаси, минимал қиймати – 157 884 сўм, қурилиш муддати 4 ой, яратилиши лозим бўлган энг кам иш ўринлари 5 та, киритилиши лозим бўлган инвестициянинг энг кам миқдори – 321 100 000 сўм;

85. Жумабозор ҚФЙ, "Бунёдкор" маҳалласи ҳудудида қурилиши режалаштирилаётган аҳолига маиший хизмат кўрсатиш шахобчаси учун майдони 0,08 Га. бўлган ер участкаси, минимал қиймати – 631 536 сўм, қурилиш муддати 7 ой, яратилиши лозим бўлган энг кам иш ўринлари 6 та, киритилиши лозим бўлган инвестициянинг энг кам миқдори – 761 112 000 сўм;

86. Маданият ҚФЙ, "Парчаюз" маҳалласи ҳудудида қурилиши режалаштирилаётган компьютер хизмати ва канцелярия моллари дўкони учун майдони 0,01 Га. бўлган ер участкаси, минимал қиймати – 78 942 сўм, қурилиш муддати 4 ой, яратилиши лозим бўлган энг кам иш ўринлари 4 та, киритилиши лозим бўлган инвестициянинг энг кам миқдори – 367 120 000 сўм;

87. "Қора қўйли" маҳалласи ҳудудида қурилиши режалаштирилаётган аҳолига маиший хизмат кўрсатиш шахобчаси учун майдони 0,03 Га. бўлган ер участкаси, минимал қиймати – 236 826 сўм, қурилиш муддати 5 ой, яратилиши лозим бўлган энг кам иш ўринлари 4 та, киритилиши лозим бўлган инвестициянинг энг кам миқдори – 364 222 000 сўм;

88. Бобур Мирзо номли маҳалла ҳудудида қурилиши режалаштирилаётган аҳолига маиший хизмат кўрсатиш ва автомобилларга техник хизмат кўрсатиш шахобчаси учун майдони 0,3 Га. бўлган ер участкаси, минимал қиймати – 2 368 262 сўм, қурилиш муддати 8 ой, яратилиши лозим бўлган энг кам иш ўринлари 10 та, киритилиши лозим бўлган инвестициянинг энг кам миқдори – 1 112 032 000 сўм;

Янгийўл тумани:

89. "Туябўғиз" маҳалласи, Бунёдкор-3 кўчаси ҳудудида қурилиши режалаштирилаётган аҳолига маиший хизмат кўрсатиш ва автомобилларни ювиш шахобчаси учун майдони 0,05 Га. бўлган ер участкаси, минимал қиймати – 394 710 сўм, қурилиш муддати 8 ой, яратилиши лозим бўлган энг кам иш ўринлари 6 та, киритилиши лозим бўлган инвестициянинг энг кам миқдори – 919 327 000 сўм;

90. Халқобод ҚФЙ, У. Норматов кўчаси ҳудудида қурилиши режалаштирилаётган савдо ва маиший хизмат кўрсатиш шахобчаси учун майдони 0,1 Га. бўлган ер участкаси, минимал қиймати – 789 420 сўм, қурилиш муддати 6 ой, яратилиши лозим бўлган энг кам иш ўринлари 6 та, киритилиши лозим бўлган инвестициянинг энг кам миқдори – 610 100 000 сўм;

Оққўрғон тумани:

91. Оққўрғон шаҳри, "Бирлик" МФЙ, А. Навоий кўчаси ҳудудида қурилиши режалаштирилаётган аҳолига маиший хизмат кўрсатиш ва савдо мажмуаси учун майдони 0,22 Га. бўлган ер участкаси, минимал қиймати – 1 590 358 сўм, қурилиш муддати 12 ой, яратилиши лозим бўлган энг кам иш ўринлари 10 та, киритилиши лозим бўлган инвестициянинг энг кам миқдори – 1 197 332 000 сўм;

92. Оққўрғон шаҳри, "Бирлик" МФЙ, Ойбек кўчаси ҳудудида қурилиши режалаштирилаётган кафе (атрофида маданий дам олиш майдончаси, келин-куёвлар учун фотосессия ўтказиладиган жойлар) учун майдони 0,2 Га. бўлган ер участкаси, минимал қиймати – 1 445 780 сўм, қурилиш муддати 12 ой, яратилиши лозим бўлган энг кам иш ўринлари 8 та, киритилиши лозим бўлган инвестициянинг энг кам миқдори – 991 500 000 сўм;

93. Оққўрғон шаҳри, "Бирлик" МФЙ, Ойбек кўчаси ҳудудида қурилиши режалаштирилаётган савдо ва маиший хизмат кўрсатиш мажмуаси учун майдони 0,12 Га. бўлган ер участкаси, минимал қиймати – 867 468 сўм, қурилиш муддати 8 ой, яратилиши лозим бўлган энг кам иш ўринлари 10 та, киритилиши лозим бўлган инвестициянинг энг кам миқдори – 968 894 000 сўм;

94. Ойтамғали ҚФЙ, А. Навоий массиви ҳудудида қурилиши режалаштирилаётган маҳалла гузари ва маиший хизмат шахобчаси учун майдони 0,09 Га. бўлган ер участкаси, минимал қиймати – 650 601 сўм, қурилиш муддати 8 ой, яратилиши лозим бўлган энг кам иш ўринлари 8 та, киритилиши лозим бўлган инвестициянинг энг кам миқдори – 738 999 000 сўм;

Шунингдек, Тошкент вилояти ҳокимининг 2017 йил 4 ноябрдаги 647-сонли қарори ҳамда Тошкент вилояти ҳокимлиги ҳузуридаги танлов савдоларини ўтказиш комиссиясининг 2017 йил 3 сентябрдаги 30-сонли баёнига асосан қуйидаги ер участкалари танлов савдоларига такроран чиқарилмоқда:

95. Бекобод шаҳри, Цементчи кўчаси бўйида қурилиши режалаштирилаётган маҳалла гузари учун майдони 0,08 Га. бўлган ер участкаси, минимал қиймати – 866 660 сўм, қурилиш муддати 12 ой, яратилиши лозим бўлган энг кам иш ўринлари 12 та, киритилиши лозим бўлган инвестициянинг энг кам миқдори – 1 460 200 000 сўм;

96. Бўка тумани, Намуна ҚФЙ, "Мирзабек" маҳалласи ҳудудида қурилиши режалаштирилаётган савдо, маиший хизмат ва умумий овқатланиш биноси учун майдони 0,87 Га. бўлган ер участкаси, минимал қиймати – 5 972 140 сўм, қурилиш муддати 12 ой, яратилиши лозим бўлган энг кам иш ўринлари 20 та, киритилиши лозим бўлган инвестициянинг энг кам миқдори – 1 620 340 000 сўм;

97. Оққўрғон тумани, Оққўрғон шаҳри, "Мустақиллик" МФЙ, Чўлпон кўчаси бўйида қурилиши режалаштирилаётган маиший хизмат сервис биноси учун майдони 0,04 Га. бўлган ер участкаси, минимал қиймати – 433 330 сўм, қурилиш муддати 6 ой, яратилиши лозим бўлган энг кам иш ўринлари 6 та, киритилиши лозим бўлган инвестициянинг энг кам миқдори – 448 640 000 сўм;

98. Оққўрғон тумани, Оққўрғон шаҳри, С. Сегизбоев номли МФЙ, "Истиқбол" маҳалласи бўйида қурилиши режалаштирилаётган маҳалла гузари ва спорт мажмуаси учун майдони 0,12 Га. бўлган ер участкаси, минимал қиймати – 1 300 000 сўм, қурилиш муддати 12 ой, яратилиши лозим бўлган энг кам иш ўринлари 15 та, киритилиши лозим бўлган инвестициянинг энг кам миқдори – 1 300 730 000 сўм;

99. Пискент тумани, Муротали ҚФЙ ҳудудида қурилиши режалаштирилаётган савдо дўкони учун майдони 0,2 Га. бўлган ер участкаси, минимал қиймати – 1 372 906 сўм, қурилиш муддати 9 ой, яратилиши лозим бўлган энг кам иш ўринлари 6 та, киритилиши лозим бўлган инвестициянинг энг кам миқдори – 402 500 000 сўм;

100. Зангиота тумани, Зангиота ҚФЙ ҳудудида қурилиши режалаштирилаётган маиший хизмат кўрсатиш шахобчаси учун майдони 0,06 Га. бўлган ер участкаси, минимал қиймати – 533 434 сўм, қурилиш муддати 6 ой, яратилиши лозим бўлган энг кам иш ўринлари 6 та, киритилиши лозим бўлган инвестициянинг энг кам миқдори – 750 640 000 сўм.

Мажбуриятларнинг бошланғич ҳажми туман, шаҳар архитектура бўлими томонидан тайёрланган шаҳарсозлик топшириғи асосида белгиланади.

Талабгорлардан буюртманомаларни қабул қилиш билдиришнома матбуотда эълон қилинган кундан бошлаб иш кунлари соат 10.00 дан 16.00 гача (13.00 дан 14.00 гача тушлик) қабул қилинади ва танлов савдолари бўлиб ўтишидан бир кун олдин 18.00 да тўхтатилади. Талабгорларнинг таклифлари солинган конвертлар Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Қорақамиш-1 кўчаси, 1-А уй, 303-хонада қабул қилинади.

Тошкент вилояти, Нурафшон шаҳри, Тошкент шоҳкўчаси, 90-уй манзилида 2018 йил 14 май куни соат 15.00 дан бошлаб Пискент тумани, Юқори Чирчиқ тумани, Қуйи Чирчиқ тумани, Бўка тумани, Ўрта Чирчиқ тумани, Олмалиқ шаҳри ва Чирчиқ шаҳри ҳудудлари учун топширилган таклиф ҳужжатлари очилади. 2018 йил 21 май куни соат 15.00 дан бошлаб Ангрен шаҳри, Бўка тумани, Оҳангарон тумани, Чиноз тумани, Бекобод тумани, Янгийўл тумани, Зангиота тумани ва Оққўрғон тумани ҳудудлари учун топширилган таклиф ҳужжатлари очилади.

Юқоридаги ер участкаларининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи белгиланган танлов кунида сотилмаса, навбатдаги танлов савдолари 2018 йил 28 май, 4 июнь, 11 июнь, 18 июнь ва 25 июнь кунлари соат 15.00 дан бошлаб такроран бўлиб ўтишини маълум қиламиз.

Танлов комиссияси томонидан талабгорларнинг таклифларини баҳолашда:

– талабгор таклифларини танлов ҳужжатларининг техник қисми бўйича, шу жумладан, лойиҳа эскизи;

– талабгорнинг ташкил этиладиган иш ўринларининг энг кам сони бўйича таклифи;

– талабгорнинг назарда тутилаётган инвестициялари ҳажми бўйича таклифи;

– талабгорнинг ишлаб чиқариш мўлжалланаётган маҳсулот тури ҳажми ва ассортименти ёки кўрсатиладиган хизматлар тури бўйича таклифи;

– талабгорнинг танлов предмети қиймати бўйича таклифи;

– лойиҳанинг талабгорнинг ўз маблағлари, шунингдек, кредит ресурслари ҳисобига молиялаштириш билан таъминланганли баҳоланади.

Зарурият бўлганда, танлов таклифларини баҳолаш учун комиссия томонидан қўшимча равишда қуйидаги ҳужжатлар талаб қилиниши мумкин:

– охирги йил учун аудиторлик ташкилотининг (юридик шахслар учун) хулосаси (мавжуд бўлганда);

– охирги икки йил учун талабгорнинг бухгалтерия баланси (юридик шахслар учун);

– лойиҳани амалга ошириш учун бизнес-режа (мавжуд бўлганда).

Талабгорлар танлов ҳужжатларини олиш ва ер участкасига бўлган ҳуқуқнинг бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини ХАТБ "DAVR BANK" Амалиёт бошқармасидаги ҳ/р.: 22604000604920609002, МФО 00981, ИНН 207122519 га тўлашлари шарт.

Танлов ҳужжатлари энг кам ойлик иш ҳақининг 50 фоизи миқдоридаги ҳақ эвазига олинади.

Талабгорлар буюртманома билан бирга қуйидаги ҳужжатларни икки нусхада тақдим этади:

– юридик шахслар учун – давлат рўйхатидан ўтказилганлик тўғрисидаги гувоҳнома нусхаси, ваколатли вакилнинг шахсини тасдиқловчи ҳужжат нусхаси ва белгиланган тартибда расмийлаштирилган ишончнома;

– жисмоний шахслар учун – паспорт нусхаси (якка тадбиркор сифатида фаолият юритаётган жисмоний шахслар давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома нусхаси), ваколатли вакил қатнашган тақдирда шахсини тасдиқлайдиган ҳужжат нусхаси, белгиланган тартибда расмийлаштирилган ишончнома;

– танлов ташкилотчисига закалат тўланганлигини тасдиқловчи тўлов ҳужжати нусхаси;

– танлов ҳужжатлари талабларига мувофиқ тузилиб, муҳрланган конвертларга жойлаштирилган икки нусхадаги танлов таклифлари.

Тақдим этилган ҳужжатларнинг барча варақлари талабгорнинг имзоси, агар талабгор юридик шахс бўлса унинг муҳри ва ваколатли шахснинг имзоси билан тасдиқланган бўлиши шарт.

Танлов ҳужжатларини олиш учун савдо ташкилотчисининг манзили:

Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Қорақамиш-1 кўчаси, 1-А уй, 303-хона. Телефонлар: (0371) 228-80-26, 228-80-27. Электрон манзил: kmsxuz@inbox.uz, kmsxuz@mail.ru. Интернетдаги сайт: www.1kms.uz.

Лицензия № RR 0001.

Шундай хаёллар билан ўзимизнинг бугунги кунларимизни уларнинг турмуши билан таққослаймиз (ахир ҳамма нарса қиёслаганда аниқ-тиниқ билинади-да, бор-борича, йўқ-ҳолича, дегандай).

ларга ошиқаётгани янада қувончли.

Давлатимиз раҳбарининг 5 апрелда эълон қилинган "Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси фаолиятини янада такомиллаштириш чора-ҳар томонлама чуқур ўйланган ва ғоят долзарб бўлган қарор эълон қилинганини эслолмадик. Чинакам тарихий, чинакам замонавий ҳуқуқий ҳужжат. Шунинг учун зиёлилар 5 апрелни эътиборга олинган.

Яхши асарларни чоп этишдан тортиб, жойлардаги ўқувчиларга етказиб бериш, керак бўлса, чет элларда нашр қилиш ва тарғиб этиш механизми аниқлик ҳуқуқини таъминлаш борасида ҳам тегишли ташкилотларга бир ой муддатда зарур чора-тадбирларни амалга ошириш топшириғи берилгани, айниқса, диққатга сазовор.

Биз қисқагина мақоламизда мазкур кенг қамровли қарорнинг ҳар сатрини изоҳлаш, айни баён қилиш ниятида эмасмиз. Фақат кўпларнинг дилида турган самимий гапларни, чексиз қувончни озгина ифодаладик, холос.

Президентимизнинг ушбу қарори Ёзувчилар уюшмасининг муҳташам янги биносида байрам сифатида кутиб олинган кунда академик Бахтиёр Назаров айтган фикр анжуманга йиғилганларнинг сидқидил хулосаси бўлиб янгради:

"...Бу бебаҳо дунёда мукаммал нарсанинг ўзи йўқ. Аммо бор бўлса, мана шу қарор мукаммалликка ғоят яқин, балки мукаммалликнинг айни ўзгинаси бўлибди!"

**Шоира БОЗОРОВА,**
**"Тошкент ҳақиқати" мухбири**

# ЮЗ ЙИЛЛИКНИ ҲАТЛАБ ЎТГАН КУН

*Рубъи маскунда асрлар оша яшаб, борлигини дунёга аён қилолмаётган қанчадан-қанча элатлар бор. Ҳаётлари юз йиллар давомида ҳеч бир ўзгаришсиз: кунлари бир-биридан фарқсиз, вақт, тараққиёт тулпори тўхтаб қолгандай...*

## Муносабат

Ишонч билан айтиш мумкинки, юртимиздаги айни кунларнинг юз йилликларини ҳатлаб ўтгулик чоғи бор. Ҳамма соҳада авжи ислоҳот. Равнаққа бўй чўзмаган тармоқ қолмади ҳисоб. Ҳар куни янги хушхабар, ҳар тонг ёқимли муждалар. Айниқса, давлат қушининг иқтисоду маънавият отлиғ икки қаноти тенг тебраниб, юксак парвозтадбирлари тўғрисида"ги Қарорини ўқирканмиз, мамлакатимиздаги ислоҳотларнинг пойдевори – инсон шахсиятининг камолоти маънавият, маърифат, адабиёт билан боғлиқлигини янада теран англаймиз. Рости, яқин-йироқдаги дунёдошларимиз ҳаётида ҳам, ўзимизнинг турмушда ҳам сўз санъати ривожи йўлида бу қадар салмоқли, Ёзувчилар уюшмаси қайта ташкил этилган кун сифатида нишонлаш таклифини билдирдилар. Энди ҳар йили мазкур санада уюшманинг "туғилган куни" бўлади.

Энг муҳим жиҳати, қарорда фақат Ёзувчилар уюшмаси фаолиятини такомиллаштириш эмас, юртимиздаги ҳар бир ижодкор ҳаётини яхшилаш, қалам аҳлига пойтахтда бўладими, чет тумандардами, бирдек имкониятлар яратиш кўзда тутилган. Уларнинг соғлиғидан тортиб, уй-жой билан таъминлашу ош-нонидан хабар олишгача – ҳамма-ҳаммаси кўрсатиб ўтилган.

Чинакам истеъдодларни ижод мактабларида тарбиялаб, олий адабиёт курсларида камолга етказиш тизими пухта ишлаб чиқилган. Зулфия номидаги Давлат мукофоти соҳибаларининг келгусида жамиятимиз ҳаётидаги фаоллигини янада ошириш, ижод намуналарини муносиб баҳолаб бориш мақсадида ҳар чоракда пойтахтдаги тўгарак машғулотларига келишини таъминлаш алоҳида таъкидланган.

Ижодкорларни кўпдан буён ўйлантириб келаётган қалам ҳақи – гонорар масаласини ҳал этиш, муаллиф-

# АБДУЛЛА АКАНИНГ БЕШ БАХТИ

*Ҳамкасблар ҳақида ёзиш қийин. Ундан ҳам устоз мақомига эришган ижодкорга савол бериш машаққат. "Таржимаи ҳолингизни гапириб беринг!" десангиз, худди у киши, "Мен ҳақимда билмасанг, ёзиб нима қиласан!" дегандай бўлади. "Ижодни қачон бошлагансиз? Устозларингиз ким?" деган саволларни берсангиз, "Бунданам сийқаси чиққанроқ савол тополмадингми?" дейиши аниқ.*

## Қалам аҳли ҳақида ҳикоялар



Оққўрғонлик ҳамкасбимиз, қатор китоблар муаллифи Абдулла Мадиев ҳақида ёзишга шайланарканмиз, хаёлимиздан юқоридаги ўйлар кечди. Абдулла ака умрининг яқин 40 йилини матбуотга бағишлади. Бу даврда қанча туман, шаҳар газеталари ўзини ўзи бошқаролмай инқирозга юз тутди, ёпилиб кетди. Абдулла Мадиев эса, "Оққўрғон овози" туман газетасини 30 йилдан буён самарали бошқариб келмоқда. Шунинг ўзиёқ, унча-мунча одамнинг қўлидан келмайдиган иш. Шунинг баробарида, ажойиб шоиримиз таъкидлаганидек: "Абдулла Мадиев қатор асарлари билан элнинг назарига тушди, шеърлари китобхонлар қалбидан жой олди".

– Мен ҳақимда ёзмоқчи бўлсангиз, – Абдулла ака қалам чайнаб, гап тополмай ўтирганимизни сезиб, бизга йўл кўрсатди, – бешта бахтим бор, шулар ҳақида ёзинг!

Бизга жон кириб, ёзишга шайландик.

– Биринчиси, – деди Абдулла ака ифтихор билан, – кўпчилик ҳавас қиладиган Зикрулла ота ва Турсуной оналарнинг оиласида, Ўзбекистондай жаннатмакон юртда туғилдим!

Абдураҳмон Қодиров, Очилдин Холтўраев, Ҳамроқул Тошпўлатов сингари устозлардан таълим-тарбия олиб, ҳаётда ўз ўрнимни топдим: бу – иккинчи бахтим.

Турмуш ўртоғим Раҳимахон билан фарзандларимиз Асатилла, Гулжамол, Нилуфарларни ўқитдик. Учови ҳам олий маълумотли, эсли-ҳушли, эл корига ярайдиган инсонлар бўлиб етишди. Тўққиз набиранинг "чуғур-чуғур"и, кулгилари оғушидамиз: бу – учинчи бахтим.

1840-1912 йилларда яшаб, ижод этган шоир, бобокалоним Юсуф Сайромийнинг руҳларини шод қилиб, "Умрим зарварақлари", "Зулматдан зиё", "Етти ота", "Бобом – фахрим менинг", "Ватан ширин" номли китобларим чоп этилди – ижодкор сифатида танилдим, оз бўлса-да, ўз ўқувчиларимни топдим, "Энг улуғ, энг азиз" танловининг вилоят босқичида ғолиб бўлдим: бу ҳам бахт.

"Оққўрғон овози" газетаси таҳририяти ҳамфикр дўстлар, истеъдодли қаламкашлар тўпланадиган масканга айланди. Ўзига хос адабий муҳит шаклланди. Қурбон Ҳошимовдай элга танилган шоирлар, ижодкорларнинг республика ҳамда вилоят танловларида ғолиб бўлган Шаҳноза Ражабова, Шаҳноза Жуманова, Ҳулкарой Шерзодова сингари шогирдларим "устоз" дея мурожаат қилади. Демак, мен бу дунёда бежиз яшамабман, элим-юртим равнақи йўлида озгина бўлса ҳам ҳисса қўшибман, хурсандман. Асосийси, 70 ёшимда яшнаётган, ёшараётган Ўзбекистонни кўриб турибман: бу энг катта бахт.

Абдулла аканинг гапларидан яйраб кетдик. Қўлимиз кўксимизда дедик:

– Абдулла ака, элимизга хизмат қилишдан чарчаманг! Илҳом сизни тарк этмасин, бахтларингиз яна чаман бўлаверсин!

**Пардабой ЭРГАШЕВ,**
**Ҳамид МУСОҚОВ**
*Оққўрғон тумани*

## Офарин!

*Нурафшон шаҳридаги 12-Болалар мусиқа ва санъат мактаби ёш санъаткорлари Россия Федерациясининг Санкт-Петербург шаҳрида ўтказилган "Петербургская весна" ("Петербург баҳори") XV халқаро танловида яна ғолиб бўлиб қайтдилар.*

# Ёшларимиз халқаро танлов ғолиби

Яна, дейишимизнинг сабаби бу мактабнинг ёш санъаткорлари бунга қадар ҳам дунёнинг Санкт-Петербург, Сочи, Париж, Юрмала каби шаҳарларида ўтказилган халқаро танловларда ўзбек ва жаҳон халқлари мусиқа ва рақсларини ижро этган ҳолда ғолибликка эришган эдилар.

Шу йилнинг 8-12 март кунлари Санкт-Петербург шаҳрида ўтказилган XV халқаро танловда иштирок этган мусиқа ва санъат мактаби ўқувчилари – Самандар Каримбердиев, Шоҳруҳ Муҳаммаджонов, Нуриддин Азизов устозлари Валерия Мардиеванинг фортепьяно жўрновозлигидаги "Тошкент оҳанглари" триоси мусиқа йўналишида, Севинч Аҳмадалиева ва Умида Аҳмадалиева рақс йўналишида ғолиб топилиб, халқаро танловнинг I даражали дипломи билан тақдирландилар.

Шу тариқа, Валерия Мардиева, Зокир Ўтаев ҳамда Залима Ахунзянова шогирдлари ўзбек санъати довруғини яна бир карра дунёга намойиш этдилар.

**Маъмуржон БОЗОРАЛИЕВ**

# ИЖОДКОРЛАР ҲАРБИЙЛАР ҲУЗУРИДА

*Чирчиқ шаҳрида жойлашган ҳарбий қисм томон кетаяпмиз-у, кўклам офтоби тиғида яшилланиб қолган адирликларни, олис қорли тоғларга чап бериб елаётган шамолни олқишлаётгандек тебранаётган яшил майсаларга ҳавасла боқамиз.*

## Мардлар қўриқлайди, Ватанни!



Қибрай, Чирчиқ, Бўстонлиқ тарафларга туташиб кетган ҳарбий дала майдонидаги теваракда иш қизғин. 9 май куни бу ерда катта марафон ўтказилиши режалаштирилмоқда. Кўчалар текисланмоқда, янги йўллар солинмоқда.

Давлатимиз раҳбарининг шу йил 5 апрелдаги "Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Қарорида уюшма аъзолари билан ҳарбий қисмлар, олий ҳарбий билим юртларида тизимли равишда маънавий-маърифий тадбирларни ташкил қилиш ҳам назарда тутилган. Шу муносабат билан Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги билан Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси ўртасида ҳарбий хизматчиларнинг маънавиятини ошириш масалалари бўйича ўзаро ҳамкорлик меморандуми имзоланди.

Куни кеча Чирчиқ дала ўқув майдонида касбий маҳоратларини ошириб бораётган Тошкент ҳарбий округининг ҳарбий хизматчилари билан Ёзувчилар уюшмаси аъзоларининг давра суҳбати ҳам ана шу эзгу мақсаднинг амалий ифодаси бўлди. Унда Ўзбекистон халқ шоири Маҳмуд Тоир, темуршунос олим Ҳаким Сатторий, Ёзувчилар уюшмаси масъул котиби Бахтиёр Ҳайдаров, шоир Ботир Эргашев мамлакатимизда амалга оширилаётган улкан ислоҳотлар, адабиёт аҳлига қаратилаётган юксак эътибор, ёзувчи ва шоирларнинг Ватанга фидойиликни, мардликни тарғиб қиладиган, буюк аждодларимиз ҳаёти ва фаолиятидан сўзловчи тарихий ва бадиий асарлари ҳақида маълумот бердилар.

– Юртни қўриқлаётган, халқимизнинг тинчлигини асраётган бу жасур ўғлонлар билан учрашув қалбимизга ифтихор туйғуларини солади, – деди ўз сўзида Ўзбекистон халқ шоири Маҳмуд Тоир. – Муқаддас бурчга чоғланган посбонларимизнинг ҳар бири асли қалин китобларга жой бўлгулик қаҳрамондирлар.

Шу куни меҳмонлар ҳарбий хизматчиларнинг машғулотлари ҳамда яшаш шароитлари билан ҳам яқиндан танишдилар.

**Наргиза АСАДОВА,**
**Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси**

## ОБ-ҲАВО МАЪЛУМОТИ



Республика Гидрометеорология марказининг хабар беришича, 14 апрель куни Тошкентда ҳаво ўзгариб туради, ёғингарчилик бўлмайди. Шарқдан секундига 3-8 метр тезликда шамол эсади. Кечаси 10-12, кундузи 25-27 даража илиқ бўлади.

Тошкент вилоятида ҳаво ўзгариб туради, ёғингарчилик бўлмайди. Шарқдан секундига 7-12 метр тезликда шамол эсади. Кечаси 10-15, кундузи 22-27 даража илиқ бўлади.

Республикамизнинг тоғли ҳудудларида ҳаво ўзгариб туради, ёғингарчилик бўлмайди. Шарқдан секундига 7-12 метр тезликда шамол эсади. Кечаси 5-10, кундузи 15-20, баъзи жойларда 23 даража илиқ бўлади.

Спорт/Спорт/Спорт/Спорт/Спорт/Спорт/Спорт/Спорт/Спорт/Спорт/Спорт/Спорт/Спорт/Спорт/Спорт/Спорт/Спорт/Спорт/Спорт/Спорт/Спорт/Спорт/Спорт/Спорт/Спорт/Спорт/Спорт/Спорт/Спорт/Спорт/Спорт/Спорт/Спорт/

# БЕКОБОДДА БИР ЖУФТ ҒАЛАБА

**Футзал бўйича Ўзбекистон XXII миллий чемпионатининг 3-турини ўз майдонида ўтказган Бекободнинг "Металлург" жамоаси ғалабалар сериясини давом эттирди.**

Бу гал Навоийнинг "Қизилқум" жамоасини қабул қилган вилоятимиз футболчилари икки ўйинда рақиб дарвозасига жами 12 та тўп киритишга муваффақ бўлди. "Металлург" футболчилари "Қизилқум"га қарши ўтказилган дастлабки учрашувда 7:1 ҳисобида зафар қучганди.

Жамоаларнинг иккинчи учрашувида ҳам бекободлик чарм тўп усталари 5:1 ҳисобида муваффақият қозонди. Ўйинда Алиакбар Байбурин ва Абубакир Усмон иккитадан, Бобуржон Домлажонов битта гол уришга муваффақ бўлди.



# БОКСЧИЛАРИМИЗ ПАРИЖДА БАҲС БОЙЛАЙДИ



Францияда бокс бўйича бошланган юқори нуфузли "Les Ceintures Montana Belts – 2018" халқаро турнирда мезбонлардан ташқари Ўзбекистон, Ҳиндистон, Кипр, Нидерландия, Венгрия, Германия, Бразилия, Польша, Португалия, Италия, Швейцария, Словакия, Норвегия, Россия, Бельгия, Канада, Украина, Литва, Боливия, Конго каби мамлакатлардан келган жами 150 нафар боксчи ғолиблик учун рингга чиқади.

Ўзбекистон терма жамоаси ушбу халқаро мусобақада саккиз нафар боксчи билан иштирок этмоқда. Мамлакатимиз бош жамоаси мураббийлари таркибга вилоятимиздан етишиб чиққан боксчиларни ҳам жалб қилди. Хусусан, халқаро мусобақаларда ғолиб ва совриндор бўлган Алиёр Норалиев вазни 64 килограммгача бўлган боксчилар баҳсида рингга чиқади. Мадиёр Саидраҳимов эса оғирлиги 81 килограмм бўлган чарм қўлқоп усталари баҳсида қатнашади.

# ОЛМОСНИНГ ОЛТИН МЕДАЛИ

**Шахмат бўйича мактаб ўқувчилари ўртасида бошланган мамлакат биринчилигида юртимизнинг турли ҳудудларидан 200 нафардан зиёд спортчилар ғолиблик учун куч синашмоқда.**

Мусобақа ғолибларига шу йили Шри-Ланкада бўладиган XIV Осиё чемпионатига йўлланма берилиши, беллашувларнинг кескин ва муросасиз ўтишига хизмат қилмоқда.

Ўн уч ёшгача бўлган ўғил болалар ўртасидаги мусобақаларда вилоятимиз шарафини ҳимоя қилаётган Олмос Раҳматуллаев блиц-турнирда биринчи ўринни эгаллади. Истеъдодли шахматчимиз тўққиз партия ўйин ўтказиб, шулардан саккизтасида рақибларидан устун келди ва бир маротаба мағлубиятга учради.

Блиц-турнирда ғолиб чиққан Олмос энди ўз омадини стандарт шахмат бўйича бошланган биринчиликда синаб кўрмоқда.



**Зоҳир ТОШХЎЖАЕВ,**
**"Тошкент ҳақиқати" мухбири**

Эълон

Зангиота тумани кадастр бўлими томонидан Яхияева Малика Саидахмедовнага берилган O`Y seriya tartib raqami 221040-сонли гувоҳнома йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ
ТАШКЕНТСКАЯ ПРАВДА
Муассис:
Тошкент вилояти ҳокимлиги

Бош муҳаррир
Ғайрат ШЕРАЛИЕВ

Ҳафтанинг чоршанба ва шанба кунлари чиқади.

14 674 нусхада чоп этилди

Телефонлар:

| | |
|---|---|
| Қабулхона: | 233-58-85 (факс) |
| Бош муҳаррир ўринбосари: | 233-70-10 |
| Масъул котиб: | 233-12-83 |
| Бўлим муҳаррирлари | 233-38-23, 233-48-08 |
| Шартнома ва эълонлар: | 233-65-59 |
| Ҳисоб-китоб бўлими: | 233-54-10 |

Тошкент вилояти Матбуот ва ахборот бошқармасида 2011 йил 12 январда 03-001 рақами билан рўйхатга олинган.

Газета «Тошкент ҳақиқати» таҳририяти компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

Навбатчи муҳаррир
Зоҳир ТОШХЎЖАЕВ
Назоратчи мусаҳҳиҳ
Кумуш ЭГАМБЕРДИЕВА
Саҳифаловчи
Тоҳир МАҲМУДХЎЖАЕВ

Манзилимиз: 100000, Матбуотчилар кўчаси, 32. Электрон почталар: thaqiqat@umail.uz; th-tp@mail.ru Буюртма V-1436. Баҳоси келишилган нархда Ҳажми – 2 табоқ, офсет усулида босилди, қоғоз бичими А-2. ISSN 2010-9318.

"ЎЗБЕКИСТОН" нашриёт-матбаа ижодий уйи босмахонасида босилди. Корхона манзили: Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 30-уй. Нашр кўрсаткичи – 205. Босишга топшириш вақти – 21.00. Босишга топширилди – 23.00.